



Новдаларни безар гунчалар!..

Тургунбой МАХКАМОВ фотоси.

## Хабар

### Бунёдкорликка ундовчи куч

Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Республиканинг етакчи газеталари бош муҳаррирлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва ахборот агентликлари раҳбарлари, тахририятларнинг иқтисодиёт ва аграр масалалари билан шуғулланувчи бўлим мудирлари ва мухбирлари иштирок этишди.

Кун тартибидаги масала — Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунлари ва 2002 йил истиқболларига бағишланган мажлисида, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қўйилган масалалар юзасидан оммавий ахборот воситалари вазифалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Рустам Жумаев маъруза қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти йил якунларига бағишланган мажлисида ҳам, Сурхондарёда ўтган сессияда ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўхталиб, бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш, умуман ислохот

жараёнларини ёритишда мухбирларга касбий малака етишмаётгани, воқеа, ҳодисалар таҳлили саёз, баъзан бир ёқлама экани, жойларда содир этилаётган қонунбузарликларга нисбатан муросасозлик кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлади. Матбуот кузатувчи эмас, жараёнларнинг фаол иштирокчиси, йўналтирувчи, бунёдкор куч бўлиши кераклигига эътиборни қаратди.

Оммага мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, молиявий сиёсат моҳиятини содда, раван, тушунарли тилда етказмоқ зарур. Табиий заҳираларимиз — ердан, сувдан оқилона фойдаланиш, газ, электр энергиясини истифода этишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳаёт талаби эканини тушунтириш бугунги кунда матбуотнинг долзарб масаласи бўлиб турибди.

Давра суҳбати иштирокчилари юқорида қайд этилган масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини янада ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

## УШБУ СОНДА:

Қонундан устун ҳоким **2**

Солиқ камайишига розимисиз? **3**

Тақдир зарбалари **4-5**

Газета ўқимайдиган журналист **7**

Ким қандай пул топади? **8**

## Анжуман

### АФҒОН МАТБУОТИНИНГ БУГУНГИ МАВЗУСИ

Термизда Ўзбекистон ва Афғонистон журналистлари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарнинг асосий мавзуси "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш" деб белгиланган бўлса-да, тадбир доирасида "Оммавий ахборот воситалари: ҳозирги давр ва истиқболлар" мавзусида давра суҳбати ҳам назарда тутилган эди. Шу боис анжуманга нафақат ўзбекистонлик балки Афғонистоннинг Мозори Шариф, Балх, Шибиргон каби шимолий туманларидан ҳам журналистлар иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси домласи М.Қирғизбоевнинг "Сўз эркинлиги — демократиянинг асосий негизи", Миллий матбуот маркази раиси А.Каримовнинг "Оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари", Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультети ўқитувчиси Ё.Маматованин "Журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусидаги маърузаларини тингладилар. Ушбу чиқишлар

юзасидан мунозаралар, қизгин фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, афғон ва ўзбек халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашда, шунингдек жафокаш Афғонистонда тезроқ бунёдкорлик турмуши қарор топишида матбуот олдида турган вазифалар ҳам журналистлар диққат марказида бўлди.

Ватан ягоналиги, муроса, миллий яхлитлик, қуролсизланиш ва тинч меҳнатга қайтиш ҳозирги кунда Афғонистоннинг толиблар даврида қарийб йўқ қилинган матбуоти асосий мавзуларидир, — дейди Мозори Шариф телерадиоси раиси Абураб Жохид. — Биз дўст Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида нафақат сиёсат, иқтисодиётда балки оммавий ахборот воситалари тизими ривожидида ҳам катта ютуқларга эришаётганига гувоҳимиз. "Ойнаи жаҳон" орқали Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида улкан бунёдкорлик амалга ошаётганини кўриб, ҳавас қиламиз. Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги юксалиш тажрибаси бизга албатта асқо-

тади. Ҳали жаҳон қардош Ўзбекистоннинг Ислом акадек оқил раҳбар билан янада юксалишига гувоҳ бўлишига аминман.

Ушбу анжуман Германиянинг К.Аденауэр жамғармаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган эди. Шу боис К.Аденауэр жамғармаси минтақавий мухтор вакили В.Шрайбер Германиянинг уруш оқибатида вайронга айлангани, халқ қудрати ва заковатига таяниш афғон халқининг ҳам немислардек муносиб турмуш яратишига асос бўлишига умид билдирди. Бунда айниқса матбуот демократия тамойилларига асосланиб миллат ва ватан олдидаги вазифаларни тўқис бажариши муҳимлигини таъкидлади.

Семинар иштирокчилари Сурхондарёдаги оммавий ахборот воситалари тахририятларига ташриф буюриб, ҳамкасбларининг иш фаолияти билан танишдилар.

Тадбир якунида журналистлар иштирокида Афғонистон муаммоларига бағишланган яна бир йирик анжуман ўтказишга келишиб олинди.

МУХБИРИМИЗ

## Дараклар

### ЁРДАМ ДАВОМ ЭТАДИ

АҚШ Афғонистонда таркибда гиёҳванд моддалар мавжуд эканлиги экилаётганига қарамай унга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларини бекор қилди.

Президент Буш Афғонистон гиёҳванд моддаларга қарши кураш борасида катта натижаларга эришмаган бўлса-да, АҚШнинг бу мамлакатга ёрдами давом этишини, бу Америка манфаатларига мос келишини айтди.

Маълум бўлишича, Ҳамид Карзай мамлакатда наша экишни таъқиқлаган. Бироқ, айрим деҳқонлар камбағалликдан қутулиш илинжида бу гиёҳни экишга мажбур бўлишмоқда. Филмонд вилояти волийси Пир Муҳаммад деҳқонлардан гиёҳванд моддаларни сотиб олиш ва ёқиб юборишни сўраб, БМТга мурожаат этмоқда.

### ЕВРО ЎГИРЛАНДИ

Франкфуртда пул ташувчи автомобил хайдовчиси икки шериги билан катта миқдордаги еврони ўғирлаб кетди. Хайдовчи датлаб бирга кетаётган ҳамкасбига қурол ўқталиб, уни қишанбанд этган. Йўлда унга икки шериги қўшилган.

Полиция қидирув ишларини бошлаб юборган. Маълум бўлишича, машинада 10 миллион ва ундан ҳам ортиқроқ миқдордаги евро бўлган.

### ХАЙР, ОҚ ОЛИМПИАДА!

Солт-Лейк Ситида Олимпиада ўйинлари ниҳоясига етди. Халқаро Олимпиада Кумитаси вакиллари бу ўйинларнинг



яхши ўтгани ва ажойиб ташкил этилганини таъкидлашди. Бироқ, ўйинлар жараёнида турли эътирозлар ва жанжаллар бўлгани ҳам сир эмас. Бу ХОҚнинг ўйинларни ўтказишда жиддий ислохотлар ўтказишга ундамоқда.

ХОҚ президенти Жак Рогнинг таъкидлашича, олимпиаданинг асосий душмани допинг бўлиб қолаётир.

### МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР МАМЛАКАТИ

Мобил телефонлар Европа ва Америкада кенг тарқалганини биласиз. Маълум бўлишича, бу қитъа мамлакатларида бундай телефонлар нафақат сўзлашув, балки матн узатиш воситаси сифатида ҳам кадрланаркан.



Осиё мамлакатлари ҳам бу борада ортада қолишаётгани йўқ. Маълум бўлишича, Япониянинг ўзидагина айни пайтда 67 миллион 500 минг киши уяли алоқа телефонидан фойдаланади.

**БУЮК БРИТАНИЯ** матбуоти шу кунларда Яқин Шарқ муаммосини ечишда яхши дипломатик қадамлар қўйилгани, шунингдек, мамлакат ҳукумати олдида турган жиддий ва саробнамо муаммолар ҳақида материаллар эълон қилмоқда.

**ЕВРОПА** матбуоти Германиянинг махсус тайёргарликдан ўтган аскарлари аллақачон Афғонистонда бўлгани ҳақида хабар бермоқда. Франциядаги президент сайловларидаги кучлар нисбати, спортчиларнинг гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши, Анголадаги олмослар ҳам қитъа матбуотининг асосий мавзуларидир.

**РОССИЯ**даги ҳамкасбларимиз Рус ва православ черкови билан католиклар ўртасидаги мавжуд ихтилоф, армиядаги муаммолар, Американи хуш кўрмаслик сабаблари ҳақида мақолалар чоп этган.

### ✓ Ол-а!

Умар Рустамович Тожибоев — ҳоким!  
Фаргонанинг Ўзбекистон туманига етакчилик қилади...

Айрим ҳокимлар бор: кўчадаги бир уюм ахлат устига шахсан ўзи келволиб тозалатади, бошқа бирови далама-дала кезиб юргани етмагандек, пайкалда чордона қуриб, деҳқонлар билан тушлик қиладими-ей...

Шуям иш бўптими?! Ахир ҳоким — ўз номи билан ҲО-КИМ!  
Бу мартабага эришганинг жуссаси кичик бўлса ҳам, салобати бўлиши керак, токи, бошқалар қадамни билиб боссин!

Умар Рустамович дастлаб "эл ичида" юргиси келди. Қараса — бўлмайдиган: дуч келган кимса дардини дастурхон қилгани-қилган...

С.Усаркулов деган фуқаронинг қилиғи-ку, ҳаммасидан ўтиб тушди. Бу кишининг кўнгли фермер бўлиши тўсаб қолибди. Усаркулов-ку, умри далада ўтган, этиканинг "э" ҳарфини билмайдиган банда! Тумандаги С.Азизов номли хўжаликнинг раиси М.Орақуловни нима жин урди?!

Шарҳта Усаркуловнинг муружаатини умумий йиғилишга қўйиб, унга нақд икки гектар ер ажратиш ҳақида қарор чиқартириб қўйибди!

Умар Рустамович — ҳоким! Минг марта муҳокама қил, хоҳлаганинча йиғилиш чақир, битта гажакдор имзосини қўймаса — ҳукмига ҳавола этган ҳужжатларинг икки тийинга қиммат!.. Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонла-

ри ажратиш комиссиясига ҳам шу гап: қайд этилган масала юзасидан берган хулосасини пишириб есин!..

...Ўзиям бўлажак фермернинг она сутини оғзига келтирди: кун-кунора ҳокимиятга чопади. Дийдиёси бир дунё: ҳой барака топгур, илтимо-ос, қарор чиқариб беринг, мавсум ўтиб кетмоқда ахир! Ерга ишлов бериш керак, ишлар тикилиб ётибди.

## КИМНИНГ ОТИ УЗОҚ ЧОПАДИ?

Баттар бўлсин! Нима, ҳоким ҳашаматли кабинетда бекорга ўтирибдими?! Бўлажак фермер мўлтираб-мўлтираб қайтиб кетади. Лўлилик қилмайди, йўқса, "бошқа фермерларга ўхшаб, серҳосил ер талаша-ётганим йўқ, сўраганим бор-йўғи икки гектаргина, холос. У ҳам бўлса дашт шагал ерлардан", дея масалага сиёсий тус берса бўларди?!

Шундай деймиз-у, бироқ С.Усаркулов деганлари аанча ҳаққини таниганлардан экан: арз қилмаган идораси қолмади, ҳисоб. Бироқ билмайдик, қулоч-қулоч ёзган шикоятлари қаҳрамонимиз учун чиқора!

Алқисса, бўлажак фермер муаммоси ХХ асрдан эсон-омон ХХI асрга ўтиб улгурганди.

Янги асрнинг дастлабки ойида бирдан... ҳокимга

**Фермерлар манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли механизмларни ишлаб чиқиш, бу борадаги мавжуд барча гов-тўсиқларга барҳам бериш, ушбу соҳани доимо қўллаб-қувватлаш лозим.**

Ислом КАРИМОВ

суддан чақирув қоғози келса бўладими?! Нима эмиш, бўлажак фермер судга берибди. Аллақандай Адлия деган бошқарма унга эш бўлганмиш.

Ҳоким судга ўзининг ва-

олиб улгурмаган кас ҲОКИМни судга берса, бир туманда ишлайдиган қози юз-хотирни чеккага йиғиштириб, шартта қарор чиқариб ташласа? Прокурор-чи? Кун-кунора мулоқот қилиб туришига қарамай, судда ҳокимни эмас, деҳқонни қўласа?..

Хурмат шуми? Ём-мон жаҳли чикди! Бироқ Умар Рустамович — ҲОКИМ! - Қани, кимнинг оти узоққа чопаркин? Кўрамиз.

...Мана, бир йилдирки, тумандаги мазкур машмашадан хабари бор одам кўрпатти: кимнинг оти узоққа чопишини. Кимники чопяпти?

Бўлажак фермер отининг чопиб етгани — Адлия бўлди, Адлияники — судга чорди, суднинг қуввати — "Ҳал қилув қарори" аталмиш бир парча қоғозга етди!

Тамом — вассалом! Суднинг қарори ижро бўлмаса, шу-унча қилинган тоат-ибодат икки қақага арзимас экан. Умар Рустамович — ҳали-бери ижро ҳақида бош қотирмайди.

Мана, сизга, принципатлик!

Мана, сизга ҳокимни судга беришининг амалий натижаси!

Шунақа, ҳокимнинг оти узоққа чопмасаям, узо-о-о-оқ чопади.

Турсунали АКБАРОВ

### ✓ Фикр

## ИШТИЁК СЎНМАСИН

Ўсмир ёшдаги қизалоқ эдим. Отам қўлимдан етаклаб, "Тошкент оқшоми" газетасига олиб келдилар. Шундан бери газетачилик соҳасида ишлаб келаман. Ўн етти йил мобайнида матн терувчи вазифасини ўтадим. Ўзингизга маълумки, бу вазифа газета тақдиридаги энг муҳим ўринлардан биридир. Сабаби, ҳар бир яратилган мақола, авваламбор, матн терувчининг қўлидан ўтади. Касбим тақозоси билан мен ҳам ҳаётга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлиб қолдим. Бир сабаб бўлиб танқидий мақола-ёздим-да, ҳозирда ўзим ишлаётган "Адолат" газетаси бош муҳарририга олиб кирдим. Улар синчковлик билан кўриб чиқдилар-да:

— Қобилиятингиз бор экан, бундан буён тез-тез ёзиб тураверинг, — дедилар.

Шундан бери жамоамизнинг ёрдами, раҳбаримизнинг олий маълумотли бўлмасам-да, меҳнатимни юксак баҳолаб ҳар бир мақолаю хикояларимни кечиктирмай чоп эттиришлари мени газета соҳасига янада боғлади. Бош муҳаррир нафақат мени, балки эндигина иш бошлаган котибаю мусаҳҳихларни ҳам ижод қилишга чорлаб, маънавий рағбатлантиради. Бунинг устига машинкада тез ва хатосиз ёзганлигимни инобатга олиб ишга кунора келишим учун шароит яратиб берилган.

Афсуски, барча раҳбарлар ишчи кадрларнинг қадрига етмайдилар. Бўш кунларим учун иш қидириб таниқли газеталардан биринга муружаат қилдим.

— Хўш, қандай иш қўлингиздан келади? — сўради масъул котиб менсимайгина.

— Машинкада тез ёзаман, корректорлик ҳам қиламан, — дедим.

— Корректурда жой бор-у, лекин диплом бўлиши керак, — деди эринчоқлик билан.

Ушанда мен ишга қабул қилинмаганимдан эмас, балки журналистика соҳасида ана шундай мужмал, безътибор, кадр танлашда қоғозбозликка таянадиган раҳбарлар борлигидан афсусландим. Балки шундай шахслар туфайли кўпчилик газеталар саёзлашиб кетаётгандир?..

Менимча, газета — халқнинг назаридаги идора экан, корректурдан тортиб, бош муҳаррирликкача бўлган кадрларни нафақат олий маълумоти, мавқеига, балки ҳаёт мактабини тўла тушуниб етганлигига қараб ишга қабул қилиш лозим.

Ратво МАҲМУДОВА

### ✓ Қадр

Отам 7-синф маълумотига эга бўлса-да, фикрлари теран, қатъиятли, ҳақ гапни айтгучи, диёнатли инсон эди.

Узоқ йиллар жамоа хўжалигида ҳайдовчилик қилди, автогараж мудири бўлди, пахтачилик бригадасини бошқарди. Унга қай ишни беришмасин, виждонан бажарди,

Биздаги ваҳхобий деганларининг илдизи худди ўшаларга бориб тутади. Бу кетишда улар бизнинг тинчлигимизни ҳам бузишмасин дейман-да. Ахир халқимизда "Кўшнинг тинч, сен тинч" деган мақол бор. Биз-ку анча қариб қолдик, лекин болаларимиз, невараларимиз ҳам бежавотир, тинч яшашларини хоҳлайман-да.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир бўлган воқеалардан,

кўпчилик ҳурматига сазовор бўлди. Ҳалол меҳнати эвазига олти фарзандни вояга етказиб, қаторга қўшди.

Одамлар уни Мадаминполвон дейишарди. Дарҳақиқат, у фаргонача қураш бўйича Андижондан ўз даврининг елкаси ер кўрмаган полвонлардан бири бўлган.

Дадам ҳақсизликка, адолатсизликка мутлақо мурасасиз эди. Кўча-кўйда, жамоат жойларида бировнинг ноҳақ камситилишига, баъзи кишиларнинг ожизлар устидан зўравонлик қилишларига йўл қўймади.

Ойнаи жаҳон ва радио орқали дунё ахборотларини берилиб тинглари, мустақил юртимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги тобора яхшиланиб бораётганидан беҳад қувонар, аксинча, айрим давлатларда, жумладан, қўшни Афғонистонда юз бераётган ноҳақликлар, хунрезликлар эса оқсоқолнинг газабини келтирар эди.

— Ё алҳазар, наҳотки толибон деганининг жиловини тортиб қўйдиган бир куч топилмаса дунёда, — дея фиғони ошарди унинг. — Тожикистондаги нотинчликларнинг ҳам асл сабабчиси мана шу шумқ-адамлар. Тинч аҳолига раҳна солиб, Оллоҳнинг иродасига қарши боришяпти. Эҳ, уларга ҳам боққан бало бордир.

— Дадаси, намунча куюнмасангиз, худога шукр, бизнинг юртимиз осойишта-ку. Нима қиласиз радиодаги гапга сиқилиб, — дея тинчлантиргандек бўларди онам раҳматли.

— Эй, сен билмайсан-да, онаси, бу бачағарларнинг нияти бузуқ,

жангариларнинг қўшни Қирғизистондаги хатти-ҳаракатларидан оқсоқолнинг қандай дарғазаб бўлганлиги, муштини қаттиқ қисиб, кўнглисизликлар ташкилотчиларни аёвсиз қарғанлиги кечагидек эсимда.

Бир куни ишдан қайтсам, дадам неваралари даврасида хурсанд ўтирибди. Уртанча ўғлимнинг адоғи йўқ саволларига эринмай жавоб беряпти. Ҳол-аҳвол сўрашиб, дастурхон атрофига ўтиришим билан "Ўғлим, кеча Президентнинг телевизордаги гапларини эшитдингми?" — деб сўраб қолди.

— Қайси гапларини айтяпсиз, дада? — худди беҳабардек сўрадим мен.

— Анави Афғондаги толибонларнинг хавфи тўғрисида узоқ гапирдилар. Уларнинг ортида катта куч борлигини таъкидлаб, уларга қарши дунёдаги барча тинчликсевар кучларни бирлаштириш тўғрисида яхши бир таклиф билан кўпчиликка муружаат қилдилар. Назаримда, энди Ислом отамизнинг ўзлари бу масала билан жиддий шуғулланадидеб.

— Ие, опоқ дада, Ислом Каримов Сиздан каттами? — дея дадамнинг оппоқ соқолларига ҳайрат билан боқди олти ёшли ўғлим Саидислом (унинг исмини дадам Юртбошимизга ҳавас қилиб қўйиб берганди).

— Ҳа, ўғлим, у ҳаммадан катта.

Тўғри, ёши биздан кичик бўлса ҳам, Президент мамлакатда яшаётган барча одамларнинг отаси ҳисобланади, — дея набирасининг бошини силаб қўйди.

Дадам бандаликни бажо келтирганидан роппа-росса бир ой кейин экстремистлар Америкага нисбатан террористик акт содир этишди. Дунёдаги энг баланд, энг кўркам бинолардан бирданга икитасининг кулини кўкка совурдилар.

Бу ҳақдаги ахборотни эшитдим, кўз ўнгимда дадам, гавдаланди. "Астағфирилло, астағфирилло", — дея ёқасини ушлаётгандек туюларди гўё.

Шу воқеалар туртки бўлди-ю, дунё терроризмининг ҳақиқий башарасини, қабих ниятини тўлақонли англаб етди. Жаҳон

## ОРЗУ ҚИЛГАН

даги тинчликсевар кучлар терроризмга қарши ягона коалицияга бирлашдилар. Ва инсоният "Кўпдан кўен қочиб қутулмас" ёхуд "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" ибораларининг нечоғли тўғрилиги яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Мухтарам Юртбошимизнинг нуфузли минбарлардан туриб айтган гаплари, берган тақлифлари бугун ўз исботини топди. Америка Қўшма Штатлари халқаро терроризмнинг навбатдаги хуружини бевосита босидан ўтказгач, Президентимизнинг бекорга бонг урмаганлигига амин бўлди ва Афғонистонни толибонлар таъсиридан бутунлай халос этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Оммавий ахборот воситаларида Афғонистондаги вазият тобора барқарорлашиб, жафоқаш халқ ва ниҳоят рўшноликка чиқаётганлиги хусусида берилаётган ҳар бир ахборот кўнглимни тоғдек кўтарди. Хушхабарларни худди дадамнинг

оғзидан эшитётгандек бўламан. Дадажон! Оламшумул янгиликдан руҳингиз таскин топаётгандир балким.

Дадам Навоийни халқпарвар, ҳақгўй шоир сифатида жуда-жуда қадрлар эди. Гарчи ўзи кам китоб мутолаа қилса-да, шоирнинг кўшиқ қилинган газалларини тез ёдлаб оларди. Айниқса, Ориф Алимаҳсумов, Жўраҳон Султонов сингари ҳофизлар ижросида айтиладиган кўшиқларни мусикаси чалинаётгандаёқ қайсилигини илғаб, матнини хирғойи қила бошларди.

Кўпинча оилавий суҳбатларда ҳазрат Навоий хусусида гап очилиб қолса, Хиротда қачон осойишталик ўрнатилиб, одамлар Буюк шоир қабрини ҳадик-хавотирсиз зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлишаркин, наҳотки, қўшни давлатда яшаб, ҳамюртларимиз бу имкониятга эга бўлишмаса, дея зорланар эди.

Айтиш мумкинки, бугун мана шу армонлар ҳам рўёбга чиқмоқда. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шохшоир Захриддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кунлар арафасида. Ўзбекистон телевидениеси ижодкорларининг қўшни давлатдан тайёрлаб, намойиш қилган кўрсатувларини томоша қилиб, қанчалар қувонганимни кўрсангиз эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги Ҳайратон кўпригининг қайта очилиши шубҳасиз азалий биродар халқлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яқин келажакда мана шу кўприк орқали ҳамюртларимиз Абу Райҳон Бериуний, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз қадамжолари бўйлаб бемалол зиёратларга борадиган бўлишса, не ажаб.

Одам кексайган сари кўпроқ эътиборни хоҳлаб қоларкан. Гарчи

ҳеч нарсадан камчилиги бўлмаса-да, сўнги йилларда дадам ҳукуматимиз томонидан кесаларга қилинган ҳар қандай муруватдан бола-ларча қувондиган бўлиб қолганди. Айниқса, 45 йиллик ёстиқдошидан айрилгач, янада кўнгли ярим бўлиб қолди.

—Шу ёшга кириб фуқаросига бунчалик гамхўр Хукмдорни учратмагандим. Оилани, аёлларни, маҳаллани ҳеч ким бу қадар эъзозламаган. Бундай инсонни Ўзбекистонга Оллоҳнинг ўзи етказди. Халқнинг бошини силаган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмади. Қара, яна пенсиямиз ошибди. Янги тузумда қарияларимиз қийналиб қолишмасин, — дейишяпти. Илойим, Юртбошимиз узоқ умр кўрсинлар.

Бу гапларни дадам тез-тез такоррорлаб турарди...

2001 йил 7 декабрь, Тошкентдаги муҳташам "Туркистон" саройи. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг 9 йиллиги муносабати билан маъруза қиладиганда камина ҳам шу залда ўтирган эдим. Юртбошимиз "Юртимиздаги барча ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйиш мақсадида мен кириб келаётган 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни кадр-

## КУН

лаш йили деб эълон қилишни таклиф этаман" деганда ҳаяжондан томоғимга нимадир тиқилгандай бўлди. Кўз олдимда дуога қўл очиб турган ҳолда дадам ва онам гавдаланди. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Шоира Ҳалима Худойбердиеванинг ўша машҳур шеъри хаёлимдан ўтди:

*Дорилмон кунлар келди,  
нурлари ял-ял,  
Бу кунларга етганлар бор,  
етмаганлар бор...*

Шукрулло НЕЪМАТОВ,  
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши  
академияси тингловчиси

✓ **Мулоҳаза**

Республикаимиз Президентини И.А.Каримов Вазирлар Мақмама-сининг 2001 йилнинг якунлари ва 2002 йилнинг вазибаларига ба-гишланган йиғилишида "Биз бун-дан буён ҳам солиқлар миқдори-ни камайтириш сиёсатини изчил-лик билан олиб боришимиз ке-рак. Айни вақтда солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бо-риши, бу жараён айниқса табиий ва минерал-хомашё ресурслари-дан фойдаланиш борасида ку-чайиши керак", - деган фикрни алоҳида таъкидлади.

Хўш, сиз билан биз - солиқ тўловчилар, тадбиркорлар, хуллас Ватанимиз равнақи йўлида кура-шиш ниятида бўлган ҳар бир он-ли фуқаро бу фикрдан қандай ху-лосалар чиқариши зарур? Нега масала бу тартибда қўйилаяпти? Бунинг боиси нимада?

Даставвал, юқоридаги билди-рилган фикрда давлатимиз рақ-бар томонидан бундан буён қам ҳўжалик юритувчи субъектлар ёки тўловчилар зиммасига юкланган солиқ юқини камайтириш сиёса-ти изчиллик билан давом эттири-лиши таъкидланапти. Чунки солиқ юқининг энгиллаштирилиши тадбиркорлик фаолиятининг ри-вожланишига ва мамлакат миқё-сида иқтисодий ўсишга эришиш-га ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, шубҳасиздир.

Шуниси диққатга сазоворки, бу борада айтилган ҳар бир фикр те-гишли ўзгаришларни амалга оши-риш орқали амалиётга жорий эти-ляпти. Хусусан, маълум давр мо-байнида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромади (фойда-си)дан олиннадиган солиқнинг ставкаси 14 пунктга (38% дан 24% га) ёки 37,0 фоизга, қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 10 пунктга (30% дан 20% га) ёки 33,4 фоизга, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг максимал ставкаси ҳам 12 пункт-га (45% дан 33% га) ёки 36,7 фо-изга пасайтирилди.

Шу ўринда бир фактни алоҳи-да қайд қилиб ўтмоқчимиз: солиқ ставкаларининг бу даражада кес-кин пасайтирилиши бизнинг мам-лакатимизда нисбатан қисқа вақт ичида (кейинги 6-7 йил давоми-да) амалга оширилди. Бошқа мам-лакатларнинг иқтисодий ривож-ланиш босқичларига назар сол-сак, бунақанги қисқа вақт ичида ана шундай тадбирни амалга оши-ришга журъат эта олган мамла-кат тарихда бўлмаган.

Бизнинг ҳозирги вазифамиз юртбошимиз томонидан юқоридаги фикрнинг фойдаланиш бил-дирилишини, энг аввало, тўғри идрок этмоқдан иборатдир. Чун-ки бу фикр, кўпчилик ўйлагани-дек, солиқлар миқдорини узлук-сиз равишда ҳар доим ҳам ка-майтирилиб борилишини анал-ташмайди. Бунинг боиси шундаки, со-лиқлар миқдорининг камайтири-лиши ҳам ўзининг маълум бир чегарасига эга ва уларнинг кама-йтирилиши ана шу оқиллик чега-расини кесиб ўтмаслиги керак. Бу чегара бюджетдан қилинадиган харажатларнинг миқдори билан белгиланади.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Гап шундаки, давлат солиқлар миқдорини ҳозирги даражадан ҳам анча камайтириши мумкин. Лекин бунинг учун сиз билан биз бор-йўғи бир шартга рози бўли-

шимиз керак. Бу шарт бюджетга бориб тушувчи солиқлар сумма-сининг камайишига мос равишда бюджетдан қилинадиган харажат-ларнинг қисқартирилишидан ибо-ратдир. Афсуски, шартнинг худди шундай қўйилиши объектив реал-ликдан иборат эканини кўпчили-гимиз идрок этишга ҳамон ожиз-лигимизча қолаётимиз. Биз бир вақтнинг ўзида солиқлар миқдо-рининг камайтирилишини ва бюд-жетдан қилинадиган харажатлар-нинг, ҳеч бўлмаганда, олдинги

қонунчиликнинг кўпол равишда бузилаётгани, ерларнинг қишлоқ ҳўжалик оборотидан чиқиб кета-ётгани, майдонларга экин экил-май қолинаётгани, ердан белги-ланган мақсадларга зид равишда ўзбошимчилик билан фойдаланиш ҳолларининг содир бўлаётгани, заминни шўр бостириб юбориш, ҳўжасизлик боис уларнинг зах ва ботқоқ ерларга айланаётгани, ҳосилдорликнинг паст даражада-лиги, сув, газ ва электр энергия-си каби ресурслардан жиноятко-

ди, - деган нақл бор. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Демак, табиий ва хо-машё ресурсларимизнинг нархи паст бўлгани учун улар тақдирга ва захиралардан оқилона фойда-ланиш масаласига шунчалик бе-фарқлик билан қарамаёпмизми?

Уз ҳолимизга қўйиб берилган-да кўпчилик ҳолларда табиий ва хомашё ресурсларининг тақдир-га гарчи ҳаққимиз бўлмаса-да, бе-фарқ қарашни одатий ҳол, деб ўйлаймиз. «Табиат берган нар-са-да, уларнинг чеки йўқ», - де-ган хаёлларга борамиз. Бундай хаёлларга борувчилар, афсуски, ҳамон орамизда кўпчиликни таш-кил этади.

Кези келганда айтайлик, фуқа-ролари табиий ва хомашё ресур-слари тақдирга бефарқ қараёт-ган бир пайтда давлатнинг «жим» ўтиришга сира ҳаққи йўқ, Давлат «бонг» урмоғи лозим. Узининг қўлида мавжуд бўлган дастак (ри-чаг)лардан фойдаланмоғи ва фу-қароларини табиий ва хомашё ре-сурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга ундамоғи керак.

Бу жараёнга давлатнинг маъ-мурий йўллар билан таъсир эти-ши кўзланган натижасини бермай-ди. Таъсир этишнинг илгор ри-вожланган мамлакатлар томони-дан эътироф этилган ва тўғрили-гини ҳаётнинг ўзи узил-кесил тас-диқлаган маданий йўли (усули, воситаси) бор. Бу солиқлардир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз та-биий ва хомашё ресурсларидан фойдаланиш борасида солиқлар-нинг рағбатлантирувчилик роли ошиб бориши керак, деган фикр-ни илгари сурмоқда. Бунинг учун эса солиқлар, Президентимиз таъкидлаганидек, «... асосли, бар-қарор, мослашувчан бўлиши, махсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчи-тиб юбормаслиги ... зарур».

Тоҳир МАЛИКОВ,  
Иқтисод фанлари доктори,  
профессор

**СОДИҚ  
КАМАЙИШИГА  
РОЗИМИСИЗ?**

дирилишини, энг аввало, тўғри идрок этмоқдан иборатдир. Чун-ки бу фикр, кўпчилик ўйлагани-дек, солиқлар миқдорини узлук-сиз равишда ҳар доим ҳам ка-майтирилиб борилишини анал-ташмайди. Бунинг боиси шундаки, со-лиқлар миқдорининг камайтири-лиши ҳам ўзининг маълум бир чегарасига эга ва уларнинг кама-йтирилиши ана шу оқиллик чега-расини кесиб ўтмаслиги керак. Бу чегара бюджетдан қилинадиган харажатларнинг миқдори билан белгиланади.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Гап шундаки, давлат солиқлар миқдорини ҳозирги даражадан ҳам анча камайтириши мумкин. Лекин бунинг учун сиз билан биз бор-йўғи бир шартга рози бўли-

нилаётгани ва ҳоказо. Нега бундай ҳолатлар содир бўлаяпти? Бунинг сабаби нима-да? Нега ўзимизда мавжуд бўлган табиий ва хомашё ресурсларининг тақдирга бунчалик бефарқ қарашга кўниқиб қолдик?

Фикримизча, аввало биз юқоридаги ҳолатларни содир этиб иқтисодиёт азалий қонунининг мазмунидан - ресурслар чеклан-гани ва уларнинг вақт ўтиши бил-лан камайиб боришидан беҳабар-лигимизни амалда кўрсатаёпмиз. Бундай хавфдан ташвишга ҳам ту-шаётганимиз йўқ. Уз ресурслари-нинг тақдирга бефарқ давлат ва халқнинг ҳам косаси сира оқар-маслигини қалбан ҳис эта ол-маяпмиз. Доно халқимизда «Баҳоси паст бўлган нарсанинг қадри бўлма-

✓ **Таширф**

**ФРАНЦИЯДА ЖУРНАЛИСТА ТАЪРИФ БОШҚАЧА**

Франциядаги Роберт Шуман Универ-ситетининг Журналистлар тайёрлаш мар-кази директори Ален Шанел Оммавий ахборот воситаларини демократлашти-риш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига (МДЖ) таширф буюрди.

МДЖ ҳамраиси Х.Дўстмуҳаммад меҳ-монга мамлакатимиз ОАВ тизими, кадр-лар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш меха-низми, жамғарма ва унинг бўлинмала-ри, МММ фаолияти хусусида маълумот берди.

Жаноб А.Шанел ўз навбатида Страс-бургдаги марказ, талабаларни қабул қилиш мезонлари, журналистларни тай-ёрлаш жараёни ва услубиёти ҳақида сўзлаб берди. Маълум бўлишича, Фран-цияда журналистлар тайёрлаш билан шу-ғулланадиган 7 та марказ мавжуд бўлиб, улардан 3 таси хусусий. Страсбургдаги Журналистларни тайёрлаш маркази 1958 йилда ташкил этилган ва 1962 йилдан шу давргача 1700 журналистни тайёр-лаб чиқарган.

Сухбат давомида журналист ким, де-ган саволга мамлакатларимиз қонунчи-ликларида ўзига хосликлар мавжудлиги аён бўлди. Францияда журналист деган шарафли номга муносиб бўлиш учун ах-борот йиғиш, таҳлил этиш, тарқатишдан ҳам кўра ҳаёт кечирish учун топилаётган маблағнинг асосий қисми мақоланавис-ликдан топилган бўлиши муҳимлиги бел-гилаб қўйилган экан. Демак, Журналис-

тика факультетида дарс берадиган дом-ла ҳам мақола ёзиб туришидан қатъи назар, дорилфунундан оладиган маоши кўпроқ бўлса, журналист ҳисобланмас экан.

Шу ўринда иккита хабар ёзиб, ёхуд те-левидениеда дастлабки кўрсатувларда кўриниш бериш баробарида ўзини ҳеч и-стиҳолага бормасдан ЖУРНАЛИСТ деб та-ништираётган ҳаваскор бошловчилар ёдга келади.

Харқалай таширфдаги ўзига хосликка қарамай, француз журналистлари Евро-пада энг мохирлардан саналадилар. Бу-нинг учун А.Шанел жаноблари раҳбарли-гидаги каби марказларнинг икки йиллик таълими, таҳсил жараёни якунида бирор чет мамлакатга бориб ўша ерда фаолият юритиш ва топилган материаллар асоси-да янги журнал чоп этиш тажрибаси ма-ҳорат мактаби бўлаётган бўлса эҳтимол. Ҳар ҳолда жаноб А.Шанел шу йил майда ўз шогирдлари билан Ўзбекистонга та-ширф буюражагини ҳамда «NEWS D'ILL»нинг янги сонини юртимизга бағиш-лаш ниятини айтди.

МДЖ ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раҳбарияти бу ишда франция-лик ҳамкасбларга ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар.

А.РАҲИМ,  
"Хуррият" мухбири

Ж. МИРЗААЛИЕВ чизган.



**НАВРЎ — БОҚИЙ БАЙРАМ**

**танловига марҳамат!**

Қиш ўтиб, баҳор келиши муқаррар. Баҳор эса нафақат табиатни, балки инсонларни ҳам яратиш, борлиқни яшнатишга чорлайди. Юртимизда яна баҳор насимлари эса бошлади. Барчамизнинг кўнглимизда табиат гўзаллигига, мўъжизаларга қайсидир йўл билан ҳисса қўшиш, мададор бўлиш ишқи ҳукмрон. Бу ишқ барча ижодкорлар қатори журналистлар, матбуот ходимларига айниқса қадрдон!

**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан ўтказилаётган анъанавий Республика танловига ижодий ишларни тақдим этиш бошланди.**

Она табиатнинг янгилини, яшариш фаслини баҳорий нафас, баҳорий эҳтирос билан куйлаган оташин журналистлар, таҳририятлар

**Энг яхши таҳририят;  
Энг яхши мақола;  
Энг яхши эшиттириш;  
Энг яхши кўрсатув;  
Энг яхши фотосурат**

номинациялари бўйича танловга таклиф этиладилар. Юртимиз баҳорининг соғинч дамлари, гўзал қалбли кишилари образини илҳом ва эҳтирос билан кўрсата билган голиб ижодкорларини, таҳририятларни муносиб совғалар кутади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар ОАВда эълон қилинган бўлиши шарт ва улар шу йилнинг 30 апрелига қадар жамғармага топширилиши сўралади.

Ижодий ишлар муаллифларига қайтарилмайди.

Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават 38-хона. Телефонлар: 144-64-62, 144-37-87.

✓ **Тўғру**

Ҳар йили эски ҳисоб билан дав эйнинг охирида ва ҳуғ ойнинг бошларида, ҳали қаҳратон қишнинг совуқ нафаси тўла қайтиб улгурмаган, лекин кунлар аста-секин илий бошлаган кўкламолдида, кун қайтиб, қош қорайган бир пайтда Баландқишлоқ кўчаларини тўлдириб юрган болаларнинг шўх кўшиғи бутун қишлоқни тутди:

**Каттиқ ердан қалтираб чиққан бо-ойчечак,**

**Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бо-ойчечак...**

Сокин кечаларнинг маликаси — ой шу кечаси чеккасига юлдузлардан гулчамбар тақади. Юлдузлар бойчечакнинг жамолига ҳавас қилгандай жимирлашади. Баҳорнинг илк даракчиси — жажжигина бойчечакни қўлида авайлабгина тутиб олган жўрабоши бор овозича кўшиқни давом эттиради. Жўрабоши айтган ҳар икки мисра-кўшиқдан сўнг бошқа болалар жўр овозда қийқиришади:

**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**

Ушбу шўх қийқирик садолари оппоқ қорга беланганича асрий сукунатда ётган Ургут тоғларига ча етиб боради гўё ва пурвиқор тоғлар вазминлик ила акс-садо бергандай бўлади: "Бо-ойчечак..."

**Бойчечак қўшиғи ҳар бир хонадоннинг эшиғида алоҳида, бир бошдан айтилади:**

**Бойчечак аввал баҳор очилади, Яхшиларнинг чеккасига санчилади.**

**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**

Гулдурас овозларда айтилаётган бойчечак кўшиғи билан бирга хонадонга баҳорий илиқлик кириб келгандай бўлади. Хонадоннинг энг улуғ, энг кекса кишиси олтиндай товланаётган ушбу митти баҳор элчисини авайлабгина кўлига олади ва

**Янги чиққан янгилик, Ҳеч кўрмайин ёмонлик,**

дея юз-кўзига суртади. Сўнг уни кўлма-кўл қилганча бошқалар ҳам кўзга суртиб ўпишади:

**Янги чиққан янгилик, Ҳеч кўрмайин ёмонлик...**  
Хонадон соҳиблари бойчечак жарчиларига атаганларини беришади, лекин ҳеч кимга "кўп бердинг" ёки "кам бердинг" дейилмайди. Ҳар ким кучи етганича. Аммо жарчилар кимдан қандай қилиб кўпроқ ундиришининг йўлини билишади:

**Бойчечак айтган билан**

ришади:  
**Бу уйнинг орқасида ой кўринар, Эгаси ҳаммадан ҳам бой кўринар.**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**  
Жарчи болалар шу кеча қишлоқнинг барча хонадонларини кезиб чиқишади. Барча хонадонда

оламни янада равшанроқ ёрита бошлайди. Жарчи болаларнинг қувончи эса ойникидан ҳам, ҳатто юлдузларникидан ҳам чексизроқ. Чунки бир-икки кундан кейин Баландқишлоқда тўй, тўй бўлганда ҳам андоқ-бундоқ тўй эмас, балки бойчечак тўйи.

Бойчечак тўйи...  
Бу тўйнинг дарағи барчани қувонтиради, айниқса болаларни.

Бойчечак тўйи барчани қувонтиради, жумладан катталарни ҳам. Чунки баҳорнинг илк элчиси ўзи билан бирга умид ва ишонч елларини ҳам олиб келади.

Ушбу урф-одат Самарқанд вилоятидаги Ургут туманининг Баландқишлоқ қишлоғида ҳар йили нишонланади. Кексаларнинг айтишларига қараганда, бойчечак тўйи Баландқишлоқда қадимги замонлардан бери ўтказиб келинади. Қишлоқ аҳлининг бу урфга муҳаббати, эътиқоди шунчалик кучли бўлганки, ҳатто энг оғир замонларда ҳам ушбу азалий удум унутилмаган. Ҳар йили қаҳратон қиш этағида оппоқ қорлар остидан яна қайтадан дилларга умид ва қувонч бағишлаганича бош кўтариб чиқадиган бойчечак каби бу удум ҳам бирор йили тўхтаб қолмаган, ҳар йили илк баҳор байрами сифатида катта тантана билан нишонланаверган.

Ўтган асрнинг олтишинчи-етмишинчи йилларига бойчечак тўйи қишлоқ ташқарисидаги адирликда ўтказилган. Одамлар бойчечак тўйини қиш исқанжасидан қутулиб, баҳорга кенг қучоқ очётган табиат бағрида нишонлашган. Ўша маҳалларда ҳам одамлар бойчечак жарчиларига уйларидан боридан беришган, биров туршак, биров майиз, яна бошқаси арпа, бугдой ва ҳоказо. Бойчечак тўйининг асосий таоми эса ҳалим гўжа бўлган.

Ҳар йили янги ҳисоб билан февраль ойининг ўрталарида, баҳор ҳали етиб келмаган, лекин унинг вужудларни яйратувчи илиқ нафаси сезила бошлаган ва олтин либос кийган жажжи элчилари — бойчечаклар баҳорни интиқли соғинган қир-адирларга қадам қўйган кўкламолди кунларнинг бирида Баландқишлоқда бойчечак тўйи бўлиб ўтади. Қишлоқ аҳли ота-боболардан мерос қолган ушбу удумни ҳар йили нишонлашади. Бойчечак кўшиғи эса унутилмасдан авлоддан-авлодга ўтиб келаверади. Зеро, қалбида ҳамиша УМИД ва ИШОНЧ яшаб келаётган халқ умид ва ишонч тимсоли бўлган бойчечак билан боғлиқ бу удумни унутмас.

Шокиржон АБРОР ўғли



**Қадимгилар одатини кўямизми?**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**  
Жарчи болалар оиласида ўғил фарзанди бўлмаган хонадон эшигини қоқишади:  
**Бойчечак айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешигингизга.**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**  
**Маккада бир ёғоч бор адар-бадар, Худойим ўғил берсин Мирзо Бадал.**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**  
Бойроқ хонадонлар эшигидан эса қуйидаги кўшиқни айтиб ки-

баҳор даракчисини юз-кўзга суртиб, унга эҳтиром бажо келтиришади, яна бир баҳорга етказгани учун Оллоҳ таолога шўкроналар ўқишади. Кимдир юз сўм беради, кимдир беш юз... Болалар эса йўлда давом этишади:  
**Кўш ариқдан ҳатлаган кўйнинг изи, Машраби белбоғ тикар бойнинг қизи.**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**  
**Машраби белбоғингиз белингизда, Алқаб-алқаб кетайлик йўлимизга.**  
**Бо-ойчечак, бо-ойчечак, бо-ойчечак...**

Тўй кунини эрталабданок байрамона кийинган болалар қишлоқ масжиди томон югуришади: "Бугун бойчечак тўйи!"

Ҳар йили бойчечак тўйи қишлоқ марказидаги масжид ҳовлисида ўтказилади. Бойчечак жарчиларининг бошчилари — бешўнта бўз бола одамлардан тушган пулларни йиғиб, тўйга керакли майда-чуйда олишади ва тўйнинг оши пиширилади. Тўйга қишлоқнинг барча катта-кичиги чақирилади.

Юлдузлар жимирлаб қикир-қикир кула бошлашади, гўё. Ой ҳам бир лаҳзагина мудраб қолганига хижолат бўлгандай тунги

✓ **Мозий**

Аловуддин Аҳмедовни 1937 йилнинг 31 октябрь кунини ҳибсга олдилар. ...Уша кунини у ниҳоятда хурсанд эди — курортда дам олиб, самолётда Тошкентга қайтаётганда. Негадир ҳар галги сафарларидан ҳам кўра бу гал соғиниб қайтаётганди Тошкентни... Хузур қилиб ҳордиқ чиқарди — энди оллда қанчадан-қанча вазифалар кутаяпти уни... Лекин самолёт Тошкентга яқинлашгани сайин негадир кўнглида аллақандай гашлик пайдо бўлди. Нега бундай бўлаётганини ўзи ҳам тушунмасди.

Бу гашликнинг сабабини эса у самолётдан тушаётганда англагандек бўлди. Трагидан тушиб келаётиб, пастда турган тўрт норғул йигитга кўзи тушди. Айни бир чоқда тўртталови унга қандайдир нохуш тикилиб турганини кўрди. Юраги негадир шигиллаб кетди. Трагидан тушиб келиб, ерга оёғини қўйгани ҳамон пастда турган тўрт азаматнинг иккитаси ўнг қўлигидан, яна иккитаси чап қўлигидан олди-да, илдам бошлаб кетди, нарида турган машинага ўтказишаркан бир сўз айтишди:

— Ҳибсга олиндингиз, гражданин Аҳмедов!  
Айни шу кундан — 1937 йилнинг 31 октябридан бошлаб у Ўзбекистон ССР фуқароси эмас, банди бўлиб қолди.

Орадан тўрт кун ўтиб, тўлдирилган тергов протоколида қуйидаги сатрлар пайдо бўлди.  
"Аловуддин Зухридинович Аҳмедов.  
1900 йилда туғилган. Кулоқ фарзанди, Тошкент тўқимачилик техникуми директори. ВКП(б) сафидан ўчирилган".

Терговчи савол беради: Сиз аксил инқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси сифатида ҳибсга олиндингиз. Шу борада кўрсатма беришингизни талаб қиламиз.

Маҳкум жавоб қайтаради: Мен ҳеч қачон, ҳеч қандай аксил инқилобий ташкилотга аъзо бўлмаганман.

Орадан ўн саккиз кун ўтгач эса Аловуддин Аҳмедовни айблаш ҳақида қарор чиқарилади... Бу қарорда кўрсатилишича, Аловуддин Зухридинович Аҳмедовни Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 57-1, 66 ва 67-моддалари билан айблаб, бундан сўнг ҳам аввалгидек Тошкент турмасида сақлашга қарор қилинади. Эндигина ўттиз етти ёшга тўлган, оқи оқ, қизили қизил йигитнинг қисмати — қамоқда ўтириш бўлиб қолди.

Шу кундан бошлаб маҳкумнинг бошидан нималар кечганини ёлғиз ўзи билдию, тепада худо билди ва бари жиноят ишида қайд этилди. Йўқ, йўқ, савол-жавоблар қайд этиладию, маҳбусга берилган азоблар хатта тушмайди. Буни жазоланувчи ва тепада худо билади, холос.

Терговларнинг биридан ундан: "1938 йилнинг

# ҚИСМАТ БЕОМОНДИР,

20 февралдаги кўрсатмангизни тасдиқлайсизми?" — деб сўрайдилар. Бунга жавобан у шундай дейди:  
"Уша кундаги кўрсатманни энди асло тасдиқламайман. Негаки, улар бари уйдирма эди. Лейтенантлар Матвеев, Трегубов, катта лейтенантлар Вишневский, Шишкин ҳамда кичик лейтенант Мирошниченколарнинг менга берган жисмоний ва руҳий азобларига дош бера олмаганимдан тўқиб ташлаган жавобларим эди улар.

"Миллий истиқлол" ташкилоти ҳақида эса мен 1937 йилда газеталардан ўқиб билганман, аммо ҳеч қачон унга аъзо бўлмаганман.

Тергов чоғидаги Фуатбей тарафидан мени Туркия фойдасига жосулик қилиш ҳақидаги келишув масаласига ва жосулик маълумотларини турк консулиги вакили Лутфийга етказиб туриш ҳақидаги гапларга келсак, булар менингни ўн саккиз кеча-кундуз мобайнида якка хонада тикка тургазиб қўйиб жазолаганлари тўқайдилар. Берган азоблари жонимдан ўтиб кетганидан зора азобдан қутулсам, деб машинкада кўчирилиб, тайёр қилинган протоколга имзо чекиб юборганман. У ердаги гўёки мен етказган маълумотлар деб кўрсатилган кўрсатмалар Федоровнинг "Пахтага илк ишлов бериш" китобидан олинган. У ерда ёзилган тўқув фабрикаларидаги технологик процесслар ҳақидаги гаплар эса, умуман, уйдирма. Терговчи бу масалалардан беҳабар — оми бўлганлигидан мен тўқиган уйдирмани ёзиб олаверган.

Яна шуни қайд этиб ўтишни истар эдимки, терговчи Аминов мендан кўрсатма беришни талаб қилганида: "Бу ер сенга партконференция эмас, бу ерни ЧЕКа деб қўйибди", деб ўшқираверди. "Партия билан ЧЕКани бундай қарама-қарши қўйиш нотўғри", — деб норозилик баён қилганимда, мени калтаклашди".

САВОЛ: Ишдаги материаллар билан танишганимизми?

ЖАВОБ: Танишган эдим. Аммо протоколга имзо чекишда терговчига ишониб қўл қўйворганман...

САВОЛ: Қачон ва нега очлик эълон қилдингиз?

ЖАВОБ: 1939 йилнинг 14 апрелида очлик эълон қилганман. Ўшандан буёғига сунъий ов-

катлантиришаркан. Бундай қилишимга сабаб шундаки, 1939 йилнинг январь ойидан апрель ойига қадар Халқ Комиссари ва ИИХКнинг 4-бўлими бошлиғи ҳамда ИИХКни назорат этувчи прокурорга мени қақриб арзимни тинглашни сўраб етти бор ариза йўлладим. Аммо ҳеч кимдан ҳеч қандай жавоб олмадим. Шундан сўнг аризаларимга жавобни тезлаштириш умидида шу йўлни



Архив фотоси

тутиб, очлик эълон қилишга мажбур бўлдим.  
САВОЛ: Очликни энди тўхтатасизми?  
ЖАВОБ: Ушбу суҳбатдан сўнг шу кундан бошлаб очликни бас қиламан, деб ариза ёзмам ва менингни ишимни кўриб чиқишни тезлаштиришингизни сўрайман.  
Шу суҳбатдан сўнг дарҳақиқат маҳбус 8 июнда очликни бекор қилаётгани ҳақида арзнома ёзди.  
Аловуддин Аҳмедовнинг шу очлик эълон қилгани қўл келдими ёки Худонинг ёзиғи шундай бўлдими, орадан ўн кун ўтиб янги қарор чиқарилди. Унда шундай дейилганди: "Аҳмедовга нисбатан ЎзССР Жиноят мажмуасининг 57-1, 66-1 ва 67-моддаларига асосан таъқиб этиш, айби тасдиқланмаганлиги сабабли тўхтатилсин ва айбланувчи

1

2

3

Илҳом

# ЁЛГИЗ ЯПРОҚ

Юрак ёлғиз япроғим

М.Кенжабек

“Севади?” “Севмайди?”

юлардим япроқ.

**Болалик. Очардим ўйинқароқ фол. Энди камол топди ўзга ўй, орзу, Хаёллар ўзгача, ўзгачадир фол.**

**Яшайман. Севаман. Умид этаман. Етаман. Кўраман васлу фироқни... Тантана қиламан энг сўнгги дамда “Севади!” юламан ёлғиз япроқни.**



Матназар АБДУЛҲАКИМ

\*\*\*

Шоирлардек мусича маъсум,  
Шоирлардек лочинлар абжир.  
Шоирлардек охулар елар,  
Шоирлардек арслонлар сапчир.

Шоирлардек осмон сайрига  
Шоирлардек замин талабгор.  
Шоирлардек қасрлар юксак,  
Шоирлардек кулбалар абгор.

Шоирлардек пурвиқор тоғлар,  
Шоирлардек водийлар сокин.  
Шоирлардек фақир дилларга  
Шоирлардек шоҳлардир ҳоким.

Шоирлардек дарё терандир,  
Шоирлардек жилға суҳандон.  
Шоирлардек мажнунтол ғамгин,  
Шоирлардек тераклар хандон.

Шоирлардек менинг соғинчим,  
Шоирлардек шодлигим, нолам.  
Шоирлардек ҳар кичик зарра,  
Шоирлардек бутун бир олам.

Шоирлардек севдим мен сени,  
Шоирлардек ғам чекдим шодон.  
Шоирлардек мен ҳам бир доно,  
Шоирлардек мен ҳам бир нодон...

Мутлоа

Ҳар бир жамиятда маънавиятнинг ривожинда йирик зиели арбобларнинг, билимдон уламоларнинг ўзига хос ўрни, хизмати бўлади. “Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон” (Тошкент — 2001) китобини ўқиб бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Китобда муаллиф Шамсуддинхон Бобоҳонов аҳиллик, ўзаро дўстлик, тинчлик ва тараққиётга чорловчи динимизнинг кейинги олтмиш йиллик турмушимизда қасб этган аҳамиятини далиллар билан изоҳлаб беришга интилган. Мазкур нашрнинг

наларини кўрсатган инсонлар ҳаёти ва фаолияти билан “Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон” китобида танишамиз. Зотан, ҳақиқий ислом инсоният манфаатларини кўзлагани, инсоният тараққиёти, маънавиятга зид келадиған ҳар қандай ёвузликларга қарши курашлар жараёнида ривожланиб боргани — бу китобнинг мазмун-мундарижасини ташкил этади. Китобнинг яна бир муҳим жиҳати, динимизнинг барча инсонларга, уларнинг миллати, ирқи, ёши, жинсидан қатъи назар, бир

лар фаш этилади. Шундай саҳифаларни ўқиганда бугунги Афғонистон, Яқин Шарқ воқеалари, айрим худбинларнинг ҳеч қандай ваколатга, иймон-этиқодга эга бўлмаган ҳолда дин номидан чиқиб фитналар, террорлар қилиб, инсониятга нақадар хавф-хатар, фожиалар солаётгани, маънавий-маърифий олами шаклланмаган кимсаларни чалғитиб турли жиноятларга бошлаётган ёвузлар кўз олдимиждан бирма-бир ўтади. Китобдаги никоҳ, хатна тўйлари борасида тўғри йўл

# ТАҚДИР БЕШАФҚАТ

зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, кейинги йилларда айрим ҳудудларда рўй бераётган воқеалар моҳиятини англаш, динни рўқач қилиб жиноятлар содир этаётган бузғунчиларга қарши кураш жиддий тус олди. Шундай шароитда динимизнинг чинакам жонкуярлари ҳаётдан олинган қимматли маълумотлар замондошларимиз учун маънавий эҳтиёж сифатида хизмат этиши тайин. Зеро, маънавий мерос намуналари ҳаётий муаммоларнинг тўғри ечимини излаб топилганда муҳим омил бўлади.

Китобнинг илк бобини ўқиб, Имом Бухорий, Термизий сингари буюк аждодларимизнинг XX асрдаги ворислари сифатида майдонга чиққан уламоларимизнинг диний илмларни ҳамиша дунёвий илмлар, ҳаётий ҳодисалар билан узвий боғлиқлигини назарда тутиб иш юритганларига, замон воқеаларига тўғри муносабатда бўлишганига гувоҳ бўламиз. Дарҳақиқат, билимдон уламоларимиз ҳамиша диний ва дунёвий илмларни уйғунлаштириш туфайли улкан натижаларга эришганларки, биз айни шу масалада ибрат наму-

хилда ҳурмат билан қарашининг аниқ мисолларда таъкидланганидир. Шунингдек, китобда ўз вақтида бидъат, хурофотга, тараққиётга тўсиқ бўлувчи иллатларга қарши кураш олиб борган уламолар саъй-ҳаракатлари, билим-савиялари тўғрисида ҳикоя қилинади. Дарвоқе, Имом Бухорий: “Мен маълумотларим ишончли бўлсин деб, бир ишончсиз ҳадис айтувчининг ўн минг ҳадисини ташлаб юбордим”, деб ёзган. Энг тўғри ҳадис тўплашда жаҳонга танилган буюк юртдошимиз шаъни, зиёратгоҳи, меросини тиклаш борасида Юртбошимиз ташаббуслари билан истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳаммага маълум. Айни дамда мазкур китоб бундай савобли амалларнинг туб негизларини англашга ундайдики, шу жиҳатдан ҳам унинг бугунги тарбиявий-маънавий аҳамиятини чуқур идрок этамиз.

Китобда умуминсоний гоёларни тасдиқловчи далиллар Куръони каримдан, ҳадислардан кўплаб мисоллар орқали шарҳлаб берилди. Шу билан бирга, чинакам диний моҳиятни бузиб келаётган ёвуз ниятли-

билан бидъатни ажратишга даъват этувчи, сохта табиб, фолбин каби фирибгарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳамон долзарблиги билан қимматлидир. Нашрнинг сўнгги саҳифаларида энг муҳим анжуманлардаги маърузалар, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳоннинг қаламларига мансуб айрим шеърӣ машқлардан намуналар ҳам берилган.

Биз Шамсуддинхон Бобоҳоннинг китобида чинакам диний эътиқодга оид савобли тадбирлар ҳақида ҳам анчагина илмий, маърифий, маънавий билимларни оламиз. Зеро, ҳар қандай жоҳиллик, жиноятнинг туб негизи — маърифатсизлик, демакки, маънавий бўшлиқдир. Ҳар қандай олижаноблик, инсониятга наф келтириш тўғрисида тафаккур қилиш қобилиятининг туб негизиди, аввало, иймон, мустаҳкам эътиқод, маърифат, ниҳоят маънавиятни юксалтиришга интилиш ётади. Мазкур китобда мана шу гоёни ўқувчилар қалбига сингдиришга интилиш муаллифнинг бош мақсади экани ёрқин намоён бўлган.

Аҳмад АЛИЕВ

Ривоят

# “ОДЫН” ҲУҚА

Япон халқ ривоятларига қараганда, қадим замонларда пойтахтда бир совчи яшаган экан. У кун бўйи куёв ва келин танлаб, уларни унаштириб кун кечираркан.

Бир гал у ёшини яширган ҳолда ўттиз беш ёшли эркекни ўн беш ёшли қизга унаштирибди. Аммо кўп ўтмай қизнинг ота-онаси эркекнинг ёшидан хабар топибдилар.

— Қизимизни ҳеч қачон

унга бермаймиз, ахир куёв ва қизнинг ёшлари ўртасидаги фарқ йигирма йил-ку, дейишибди улар.

Совчи нима қиларини билмай, ўйлай-ўйлай қозига шикоят қилишдан бошқа илож топмабди. Қози бўлса, икки тарафни ўз ёнига чақириб, қизнинг онасидан сўрабди:

— Сиз сўз берган экансиз-у, қай сабаб билан ўз сўзингиздан қайтаёсиз?  
— Совчи бизни алдабди:

куёв бўлмиш қизимиздан йигирма ёш катта экан. Биз шунга норозимиз. Биз ҳатто у қизимиздан икки карра катта бўлса ҳам рози эдик.

— Сиз айтганча бўла қолсин. Қизингизни унга беш йилдан кейин берақолинг, — дебди қози. — Ушанда куёв қирққа, қизингиз йигирмага тўлади.

Шунда ҳар икки томон ҳам уэр айтиб, қозихонани тарк этибдилар.

# ТАҚДИР БЕШАФҚАТ...

1900 йилда таваллуд топган, миллати ўзбек, СССР фуқароси, Тошкент тўқимачилик техникумининг собиқ директори Аловуддин Зухриддинович Аҳмедов зудлик билан қамокдан озод этилсин.

Қарорга Урта Осиё Ҳарбий Округи ҳарбий прокурори ёрдамчиси, иккинчи ранг ҳарбий юрист Клевцев имзо чеккан эди.

Хулласи калом, юртимизнинг бир билимдон ўғлонининг бошидан фалокати ариб, бир йилу ўн ойлик маҳкумликдан кейин озодликка чиқиш насиб этди. Аслида унга тиркалган айблар билан элимизнинг озмунча ўғлонлари қора ерга киргизилганмиди то ўша кунларга қадар?.. Аловуддин ҳам бу панжара ортида не-не азобларни бошидан кечирмади. Жони қаттиқ экан — ҳаммасига чидади. Чидамасдан қайққа ҳам борарди. Лекин таълим бўлишини истамасди. Ёшлигида бувиси уни ўт-олов деб чақирганини эслади. “Бўш келган номард!” деди ўзига ва ҳаракатга тушди.

Узининг бегуноҳлигини исбот этиш учун қилган саъй-ҳаракатлари қўл келдими унга ёки ўткир билимдонлиги, ҳаққи-ҳуқуқини билиши — бу менга қоронғу. Ҳар ҳолда “Гуноҳсизман, қуни келиб ҳақ барибир қарор топади”, деган фикрда ўз қисматиға беларво бўлмай, озод бўлиш учун қанчалар мушкул бўлмасин, қонуний йўл топгани қўл келгандир балки! Ҳар нима бўлганда ҳам “Ўтиб қолгунча отиб қол!” қабилида иш тутган бўлиши керак.

Шу кунлар ичида ўзим ўрганган қатор тақдирлар ҳақида фикр юритарканман, неча йилдирки, Аловуддин Аҳмедов каби аксил инқилобий ташкилотга аъзоликда айбланиб, ЎзССР Жиноят мажмуасининг 57, 66, 67-моддаларининг бир неча қисми билан 1937-38 йилларда маҳкамага тортилганлардан қанчасининг Училиқ қарори билан отувга ҳукм этилиб, отиб ташлангани ҳақида ўйларканман, шу шўри қайнаганларнинг ҳаёт занжири бира тўла узиб юборилгани, агар тирик қолишса яна қанча зурриётларга ҳаёт бериши мумкинлиги ҳақида кўп ўйладим.

Улар орасида 1876 йилда Тошкентда таваллуд топган Саидқабрхўжа Бобоҳўжаев, Тош-

кент вилояти Қибрай қишлоғидан Муқимжон Иноғомжонов, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Агропом колхозни аъзоси, 1878 йилда таваллуд топган Ҳошим Ашуров, 1859 йилда таваллуд топган, тошкентлик имом Авлиёхон Ҳозихонов ва неча-неча бошқа жафокашлар бор эди... Уларнинг бари 1937-38 йилларда отилганлар. Айни шу маҳкумлар янглиқ Аловуддин Аҳмедов ҳам не-не азобларга дучор этилди ва бошқа маҳкумлардан фарқли ўлароқ у жаҳаннам азобидан фриғ бўлиб, озодликка чиқишга муваффақ бўлди.

Эрк — озод ҳаёт қанчалар катта бахт — мана шу беқиёс бахт насиб этганди Аловуддин Аҳмедовга. Сирасини айтганда, бу бахт то шу кунга қадар камданкам маҳкумга насиб этган.

Аловуддин Аҳмедов минглаб маҳбуслар орасидан судланмасдан қутулиб чиққан бир неча маҳкумнинг бири бўлса керак, деб ўйлайман. Зеро, жиноят ишларини ўрганганимда Ўзбекистон ССРни СССРдан ажратиб олмоқни кўзлаган дея ҳибсга олинганларнинг қатор терговлардан сўнг гуноҳи бўлмаган, деб оқланганларини ҳеч учратмаган эдим. Фикрлаб кўрсам, бундай бандилар аксарият ўттиз-ўттиз беш ёшларда отилганлар — йигитнинг айни қирчиллама ёши. Бу ёшда оламдан кўз юмганлардан бир ёки икки фарзанд ва бевалар қолган ҳолос...

Бундан чиқди, отиб ташланиб, йўқликка бадарга қилинганлардан ташқари тузумнинг бедодлигидан азият чекканлар адади уч-тўрт мартага ошар экан-да. Бу рақамга маҳкумнинг ота-онаси, ака-ука, опа-сингиллари, бола-чақаси, яқин-йироқ қавм-қариндошларини қўшиб санасак, ҳибсга олинган бир инсон ортида тузумдан азият чекканлар адади бир неча баробарга ошиб кетаркан...

Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганидан буёғига — Аловуддин Аҳмедовнинг озодликка чиққанидан бери орадан олтмиш икки йил ўтди. Зуваласи пишиқ эканки, нақ тегиримондан бутун чиқди у. Турмадан очиқ ҳавога чиққан юраги гўпуриб ўйнаб кетди, ошиқиб уйига борар экан, бир-

дан хушидан кетиб ерда узала тушиб ётганини кўрганлар маст бўлса керак деб ўйлаганлар...

Ўттиз тўққиз ёшида озодликка чиққан Аловуддин Аҳмедов икки-уч кун кўрпа-тўшак қилиб ётганида келажак ҳақида ўй сурди ва ҳаётини тамомила янгидан бошлашга аҳд қилди. Негаки, қамоққа олинганиги туфайли аввалги бутун режалари кунпаякун бўлган эди ва аввало у Москвадаги ҳарбий академияда таҳсил олишга интилди.

Унинг ғайрати, шижоати тошқин тоғ дарёсини эслатарди. Бувисининг ибораси билан айтганда, у олов йигит эди. Юрагидаги ўша ўт қўл келиб Тўқимачилик институтида ўқиб, кечаси Қурилиш институтида таҳсил олиб, 1935 йилда иккала институтни баробар битириб, икки мутахассисликни эгаллаш насиб этганди.

Озодликка чиқиши билан у меҳнат фаолиятини қайта бошлади.

Нон заводиди директор, ўзбек энерго қурилишида катта инженер, қурилиш бошқармасида бошлиқ каби лавозимларда ишлади. Медаль ва орденлар билан тақдирланди. Шу-шу мутахассислиги бўйича қаерга йўллалсалар, шу ерда ишлади. 1946 йилда уни қурилишга бош мутахассис лавозимига тайинладилар. Айни шу йили Маъсуда деган бир гўзал қиз билан оила қурган эди. Келинпошшани ёнига олиб, йўлланма билан Қарши қаердасан, дея жўнади. Бу ерда у областни электрлаштириш ишига бош бўлди.

Тақдир бошига солган қора кунлар гўё йўқликка кетгандек унутила бошлади. Табиатан серғайрат бўлганлигидан зиммасидаги вазифани ўрнига қўйиб адо этарди. Унинг меҳнатлари тақдирлана бошлади.

Аллоҳ бошига солган синовларга дош берган, бахтиёр дамларида ўзини йўқотмаган Аловуддинга Аллоҳ умр бериб, 79 йил яшади. Ўғил-қизлар бахтли бахтиёр яшади. Фарзандлар тарбиясига алоҳида аҳамият берди. Улар ҳам отасига тортиб илмга меҳр қўйдилар: ўғил-қизларнинг бари олий маълумотли, зиёли инсонлар. Энди ҳаёт остонасига набиралар қадам қўя бошлади. Ҳар бир ўзбек “Уруғим тошлоққа ёйилган” деса ҳақли, деган фикр бошимда гўжгон ўйнайди. Агар Аловуддин Аҳмедов ўз пайтида темирни қизигида босмаганда, ким билади, тушган сиртмоғидан чиқиш насиб этармиди, йўқми?..

Ҳолида АҲРОРОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият арбоби

4

5

6

✓ **Сўҳат**

# “ЧЕККАНГА НИМА ЕТСИН!”

## деганлар гафлатда

### КАШАНДАЛАР УТМИШДА ҲАМ ГАФЛАТДА ҚОЛГАН

Хар сафар кашанда ўртоклар билан учрашиб қолсам, “Хўш, мана ҳамманг сигарет деса ўзингни томдан ташлайсанлар. Тамаки деган жонивор қаттан кеб чиққан?” деб битта савол бериб қўяман. Орада жа билимдонлар чиқиб саволга жавоб бериб қўйса, “Хўп, тамаки сўзининг маъноси нима?” дейман. Шу билан тамом. Ҳаммаси сувга тушган мушукдай бўп қолади. Ҳеч ким билмагач, тамаки ҳақида у ер-бу ерда эшитган маълумотларни айтиб, аканг қарағай даврининг гули бўп турибдилар-у!

Майли, сизам дегита қолинг. Колумб деган оврўпалик саёхатчи боши айланиб, адашиб Америкага бориб қолганда индеецлар тамаки буржиситанганини кўрган-у, чекишга кўнгли суст кетган. Бўлмаса, Оврўпага қайтишда тузукроқ нарса қуриб қолгандай ўшандан олиб келармиди? Хуллас, Колумб олиб келган тамаки кейинчалик Осиёга ҳам ўтган.

Америкага бориб келган испанларнинг оғиз-бурнидан тутун чиқаётганини кўриб бошқаларам хўрозқанд емоқчи бўлган боладай чекишга қизиқиб қолишади. Франциянинг Португалиядаги элчиси Жан Нико дегани эса тамакига шу қадар шайдо бўладики, биз пахта эккандай ўз қўли билан тамаки ўстиради, курғур. Никобойнинг шунча ҳаракатлари бесамар кетмайди. Францияга биринчи бўлиб тамаки олиб киргани учун тамакидаги энг кучли захарли модда Никобой шарафига никотин деб номланади.

Хўш, унда тамаки сўзи қаердан келиб чиққан деб сўрамоқчисиз. Тамаки, мен сизга айтсам, табак сўзининг бузилган шакли, табак эса Кариб денгизидagi Табаго оролидан келиб чиққан. Бу оролда тамакининг энг “додахўжа”лари ўстирилган-да, ўзиям!

Шу баъзида қиролларга-ям хайрон қолсан киши. Людовик XIII бор-у, ўша Франциянинг номи улуг, супраси куруқ Людовикларидан бири, нима қилганакан денг, хар бир француз солдати кашанда бўлишга мажбурлиги тўғрисида фармон чиқарганакан. Ё, тавба! Нима бало, Людовикнинг томи кетиб қолганми ё бошини тахтага илкис уриб олганми? Бўлмаса шунақам бемаъни фармон чиқарадими, қирол деган. Йўқ, хайрият, кейинги қирол Людовик XIV тамакини ўлгудай ёмон кўрган ва кашандаларнинг роса додини берган.

Англия қироли Жеймс ҳам француз ҳамкасбидан ўрناق олиб халққа шундай мурожаат қилган экан: “Бу одатга амал қилган киши кўзга хунук кўринади. Тамаки тутунни эса димоққа ёмон урилади, кўкракка жуда зарарли, ўлкани ишдан чиқаради, унинг қора тутунни дўзахдан чиққанга ўхшайди”. Яшавор-ей, Жеймсбой. Кўнгилдаги гапларни айтганакансан, ўзиям!

Хуллас, оддий одамларку, майли, ҳатто қироллар ҳам қадимданок кашандалик оқибатини биб-биноидек билишган. Хайронман, шундай шароитдаям тамаки ўлгур бизгача қандай етиб келган?

С.САЛИМ

### Хаваскор ТАБИБ эскартиши:

Иним С.САЛИМБОЙ!

Мақолани боллаб ёзибсизу, охириг саволингиз андак ноўрин бўлгани чатоқ-да! Ҳайтовур, ўтган аждодларимиз чилимни “кашф” қилганида, ҳатто бунга ҳам қониқмай, ўткирроқларини яратиб устида бош қотиришганида Колумббой тугул, индеецлар ҳам ёруғ дунёга ҳали келмаган эди. Йўқса, “Чекдим йўлингизда интизор...” деган мисралар қайдан пайдо бўларди?! Шундай бўлгач, тамаки бизга қандай етиб келган, деган “залворли” саволга ўрин йўқ, иним!

## КАШАНДАЛИК УЛҒАЙТИРГАН ХАСТАЛИКЛАР

**Ошқозон-ичак тизимида.** Сигарет овқат ҳазм қилиш тизимига ўта салбий таъсир қилгани бос куйидаги касалликларни келтириб чиқаради: гастроэзофагеал рефлюкс, сурункали гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, сурункали энтерит.

Гастроэзофагеал рефлюкс келиб чиқишида сигарет таркибидаги никотин етакчи роль ўйнайди. Никотин қизилўнғачнинг пастки сфинктерининг тонусини пасайтиради, натижада ошқозондаги хлорид кислотаси қизилўнғачга чиқади ва унинг шиллиқ қавағига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли кашандаларда жигилдон қайнаш ҳолати кўпроқ кузатилади.

Узоқ вақт тўхтовсиз чекиш ошқозоннинг функционал бузилишига ва сурункали гастритнинг ривожланишига олиб келади. Сига-

рет тутун таркибидаги никотин ва унинг бошқа компонентлари ошқозонда эпителийнинг регенерациясини бузади ҳамда ҳимоя қобилини шикастлантиради. Натижада ошқозоннинг секретор функцияси охиб, кейинчалик кескин пасайиб кетиши кузатилади.

Чекмайдиган кишиларга нисбатан кашандаларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги 2 марта кўп учрайди. Никотин ошқозон қон томирларини торайтиради, ошқозон шиллиқ қавагининг ишемияси кузатилади ҳамда ошқозоннинг секретор хусусияти ошиши туфайли хлорид кислотанинг гиперсекрециясига ва пипсиноген-I концентрациясининг ошишига олиб келади. Пилорин қисмида босим пасайиши туфайли гастродуоденал рефлюкс шаклланади.

**Юрак-қон томир тизимида.** Никотин юрак-қон томирларини торайтиради. Натижа-

## НИКОТИННИНГ «ХОСИЯТ»И

Тиб фани манбаларида зикр этилишича, тамаки маҳсулотлари таркибидаги никотин ёшлар ва кексаларга анчайин салбий таъсир кўрсатаркан. Бунинг сабаби уларнинг асаб тизими ушбу хавфли модда таъсирига нисбатан ўта сезувчан хусусиятга эга бўларкан.

Никотин атеросклероз, гипертония, гастрит, гастроэнтероколит, миокардиодистрофия ва баъзи бир эндокрин касалликларнинг кечишини оғирлаштириб юборади.

Никотин, айниқса ҳомиладор аёллар учун ҳаддан ташқари зарарли саналиб, чекувчи аёлдан туғилган бола заиф ва вазни енгил бўларкан. Эмизикли аёллар учун эса-ку, мутлақо ёмон таъсир қиларкан. Бу касофат норасида гўдакларнинг илк ёшларида кўп касалланиш ва нобуд бўлишига олиб келади.

“Чекишдан воз кечмай туриб яра касаллиги, тромбоз, облитерацияловчи эндротерит, Рейно касаллиги, стенокардия, миокард инфаркти каби хасталиклардан соғайиб кетиш қийин.

Айрим кашандалар чекиш киши диққатини жамлайди ва ақлий меҳнатни яхшилайди, дея уриб-енгмоқчи бўлади. Бироқ никотин таъсирида асаб тизимининг иши вақтинча яхшилангани билан бош миянинг энергетик қувватига путур етади. Натижада киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда кетма-кет чекади, оқибатда организм захарланади: кишининг боши тез-тез оғрийди, ранги ўчади, оғзи қуриб, тахир маза сезади, юрак қиса бошлайди. “Мия фаолиятини яхшилаш” мақсадида чекилган офат зарарга, захарга айланади.

### ТАМАКИДАН ТУТУННИНГ СИГАРЕТ

\*Машҳур врач Бенямин Руш хў-ўв ўша, 1798 йилда ёзиб қолдирган кундалигида тамакига нисбатан салбий муносабатда эканини ошқора қайд этган эди.

\*1800 йилларга келиб кўплаб шифокорлар чекиш соғлиққа зарар эканидан ташвишга тушишаётганини яширишмади.

\*1990 йилларга келиб чекиш катта ёшдаги аҳоли меҳнатга лаёқатсизлиги умумий сабабларидан 2,6 фоизини ташкил этди. Мазкур кўрсаткич 2020 йилга бориб 9 фоизгача ўсиши кутилмоқда. Бу ҳолда юрак ишемик касаллиги 6 фоизга ортади. Қалай, кетадими?

\*90-йилларда тамаки чекиш хар йили 3 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлгани кузатилаган. Бу рақам тобора ўсиб бормоқда. Агарда мазкур тенденция ўзгармаса, 2020 йилдан 2030 йилгача чекиш натижасида хар йили 10 миллион кишининг ёстиғи қуриши тайин.

\*Европа ва Америка врачлар жамияти ҳамкорликда чекишнинг нафас олиш йўллари таъсирини илмий жиҳатдан ўрганди. Натижада Испания, Италия давлатлари кашандаликни даво-

лаш ва диагностика қилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

\*1996 йил АҚШда сигарет рекламаси ва тамаки маҳсулотларини мактаб болалари ва ёшлар ўртасида тарқатишни чеклаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши дунё жамоатчилигида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Бу қонунни АҚШнинг ўша вақтдаги президенти Б.Клинтон махсус олқишлади ҳам. Мазкур ҳужжатда 400 000 америкаликнинг ўлимига айнан чекишнинг сабаб бўлгани қайд этилади.

\*Дунё бўйича 3 миллион жўжахўроз (воёга етмаган болалар) чекади ва улар сафига хар йили яна бир миллион тақдирчи қўшилади. Аянчлиси шундаки, болакайларнинг тўртдан бир нафари айни чекиш оқибатида ёруғ дунёни ташлаб кетмоқда.

\*Москва ва Олтой ўлкасида ўтказилган эпидемиологик пульмонологик тадқиқотларга кўра, чекиш 20-45 ёшлар оралиғидаги эркаларда фавқуллодда кенг тарқалган, уларнинг 70 фоизи фирт кашанда. Олтой ўлкаси қишлоқларида яшовчи эркаларнинг 82 фоизини кашандалар ташкил этади. Ўлка аёлларига нисбатан (2 фоиз) москвалик қиз-жувонлар кўпроқ (20 фоиз) сигарета чангитишаркан.

### Чекиш оқибатида юзага келган касалликлар туфайли кишилар ўлими даражаси (% ҳисобида)

Мамлакатлар	Барча ҳолатларда		Ўпка раки		Сурункали бронхит		Қон-томир	
	Эр	Аёл	Эр	Аёл	Эр	Аёл	Эр	Аёл
Озарбойжон	14	0	85	0	54	0	14	0
Бельгия	31	2	94	42	81	24	22	2
Канада	27	14	93	81	76	69	19	10
Эстония	26	3	94	44	79	28	24	2
Франция	21	1	91	20	69	9	14	1
Венгрия	29	9	94	72	78	57	26	7
Япония	15	5	86	54	65	45	11	4
Янги Зеландия	22	11	91	76	72	60	16	8
Португалия	13	0	85	0	56	0	9	0
Швеция	11	4	82	58	54	41	7	3
Англия	28	15	93	83	78	73	20	2
АҚШ	26	17	93	85	76	75	20	13

## СИГАРЕТ ТУТУНИ БИОТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Тамаки тутунни икки фракция: газ ҳосил қилувчи (формальдегид) ва таркибий моддалар (никель, кадмий ва бошқалардан) иборат экан. Тадқиқотларга кўра, бир қути сигарет тутунда куйидагилар мавжуд:

### Таркибий моддалар фазасида

Benzo(a)pyrene	73-365 mcg
Nicotine	438-14 600 mg
N-nitrosocotinine	1-27 mg
Nickel	0-22 mg
Cadmium	584 mcg
210 Polonium	219-7 300 pCi

### Газ ҳосил қилувчи фазасида

Formaldehyde	146-657 mg
Nitrogen oxidase	117-4 380 mg
Urethane	73-255 mg
Vinyl chloride	7-117 mcg

Кашанданинг нафас йўлидан “ичкари”га оралаган тутундан “ушланиб” қолган курумлар бир кеча-кундузда, ҳафтада, ойда, йилда, боровинки, “чекиш лабораторияси”га айланган ҳаёт давомида осмоний рақамларни уриб қўйиши табиийдир. Нафас аъзолари тамаки тутун таркибидаги компонентларни биотрансформация қилиш жараёнида асосий ўрин тутлади.

Жаҳонгир МИРЗААЛИЕВ чизган.



Уйимнинг мўрисини сигаретдан курганман,  
Бир ўк билан шу кунни кўш куёни урганман!  
Хумор қилиб қолганда томга қўяман нарвон,  
Кашандалар ортимдан тизилиб бўлар карвон!

Саҳифани Ҳаваскор ТАБИБ таъёрлади.

**Мунозара**

**ЗАНЖИРСИМОН ТАЪСИР**

Узоқ йиллар илгари ҳамкасблардан бири анча вақт изтиробда юрди. Эмишки, истеъмолда бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири тановул қилишга бутунлай яроқсиз, унинг таркибида пестицид микдори меъёрдан минг (!) бараварлар кўп эмиш. Албатта, бу унинг шахсий кечинмиси эди ва тирсағидан ёғ оқизиб ош ейдиган азаматлардан ҳеч бири бу хусусда эътирозни изҳор этмаганди. Хуллас, бунақа куйинишлар ҳавода қолиб кетаверди ва бирор ижтимоий таъсирга эга бўлмади.

Шундай мулоҳазалардан кейин халқимизнинг чиройли бир мақоли эсга келади: "Қарс икки кўлдан!" Ҳа, қарсак чиқариш учун икки кўл баравар ҳаракат қилиши керак. Ҳеч бўлмаганда — икки кўл бўлиши керак. Зеро, қарсак чалиш мавриди келиб қолса, бундай бутунлик асқотиб қолиши мумкин. Матбуотда айтилмаган ҳар қандай фикр жамоатчиликка мўлжалланган бўлади ва унинг қай даражада акс таъсири қутилади. Негаки, оммавий ахборот воситаларида милтиқнинг ўқидек тўғри фикрлар баён қилинавермайди. Изҳор этилган ҳар бир гап кимнингдир шахсий мулоҳазаси бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай ахборот маҳсулоти у икки сатрли хабар бўладики ёки газетанинг йигирмата сонида давом этган туркум мақола бўлади — охирида муаллифнинг исми-шарифи, тахаллуси, ҳатто унвони, иш жойини ҳавола этиш урф бўлган. Энди тасаввур этинг, сиз муҳтарам жанобга яқинлашасиз-да, ўз меҳрингизни шундай ифода қилайсиз: "Сиз — шерсиз, бундай талант фақат шерларда бўлади!" Табиий, сиз унинг муносабатини кутасиз, у эса... жим. Бир оз алам қилади, жаҳлингиз чиқади, энди бу сафар ғазаб билан дейсиз: "Сиз — маймунсиз, бундай талант фақат маймунларда бўлади!" Афсуски, бу гал ҳам у... жим, ҳатто қошини учуриб ёки лабини қимтиб ҳам қўймайди. "Нима бу, шердан тарқалган маймунсифат махлуқми?" — ана шундай аччиқ хулосага келасиз-да, ундан узоқлашасиз. Ҳар доим шу ҳолатни эслаганда таъбингиз тиррик бўлгани қолади холос.

Муҳтарам жаноб нега пинагини бузмади, балки моҳиятини тушунмагандир ёки ростданам унга ҳамма нарса бир хил туюлар, эҳтимол, бундай савол-жавобга ўрганамагандир? Нима бўлганда ҳам уни ёқлаб бўлмади, жумладан, "кўлдан бери газета ўқимайман, нимани ҳам ёзарди?" тарзида ёзгарадиган зотларни ҳам. Унинг газета ўқимаслига ҳаққи йўқ, негаки шу жамиятда яшайптими, унда кечаётган ўзгаришларга бепарво бўлишга ҳаққи йўқ.

Фикрларимизнинг буромади шуки, ахборот воситалари билан унинг "истеъмоли"лари — жамоатчилик ўртасида икки томонлама "борди-келди" бўлмоғи лозим. Бўлмаса, коптокни отасиз, у деворга тегиб қайтмайди-да, ҳовузгами, далагами тушиб йўқ бўлиб кетаверади. Муҳокама майдони пайдо бўлмайди. Жамоатчилик фаоллиги, жамоатчилик фикри юзага келмайди. Матбуотчилар ўз фаолиятларига баҳо бера олмайдилар, сўзининг яратувчилик, бунёдкорлик қудрати жамият қурилишида ўз салоҳиятини намойиш эта олмайди.

Одатда, жамоатчиликка ҳавола қилинадиган фикр унинг кайфиятидан, талабидан келиб чиқиб белгиланади. Дейлик, ҳамма баҳор, гул-чечаклар, анвойи бўйлар ҳақида орзу қилиб

турганда киш, қаҳратон совуқ, изғиринлар тўғрисида оғиз очиб ноҳиш. Мабодо, шу ҳақда гапириш керак бўлганда ҳам кўпчиликнинг руҳий ҳолатини мослаб, мулоҳазаларимизни қабул қила олишига муҳит яратиб гап бошланади. Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашилмаса, ўртада жарлик пайдо бўлади, ҳар икки томон ўз йўриғида кун кўраверади...

Узига ишонган, ҳаётдан мамнун ҳамкасблардан бири "Жамоатчилик фикри деб куйиниб юриверманг, жўра, ҳозир ундан ҳам муҳим ишлар бор", дея аския қилди. У назарда тутган

ҳам кўзга ташланди. Уларнинг иккитаси ҳақида шахсий мулоҳазаларимизни баён этишга жазм этдик.

Одамлар диққатини тортишининг энг ўнғай йўли — оқни қоралаб ёзиш эмасми? Қаззоб, муттаҳам сифатида ном чиқарган кишини мақтаб ёки аксинча, ҳалол бир одамни нопокликда айблаб мақола ёзсанг, ҳамма ўқийди, кўпчилик ишонади, бу одамни шунча йилдан бери билмасликларидан афсусланиб, ёзган муҳбирга тасаннолар айтишади. Нима бўлади бу, журналистиками? Йўқ, бу — антижурналистика! Негаки, журналистика пайдо бўли-

кинчи мақола эълон қилинди. Қанча асаблар қақшади, вақт кетди. Хуллас, маълум бўлдики, муҳбир буюртма билан иш тутган, олишадиган икки гуруҳдан бирининг маълумотларига ишонган, номига ижодий сафарга бориб, танкид қилинадиган объект билан чуқур танишмаган. Узига "рақиб" томоннинг асосли далилларига кулоқ тутмай, дўқ-пўписа билан муомалада бўлган. Шундай қилиб муҳбирнинг холис позицияда турмаганлиги туфайли бошқа зарарларни истисно қилганда ҳам матбуот обрўсига зарар етди.

Қизиғи шундаки, шу ҳам-

ўхшайди. Демак, журналистикада кўп нарсани қалам (микрофон) тутган қўл эгасининг кимлиги, шахсий "мен"и ҳал қилар экан. Шу ўринда мен бу соҳа кишиларини лакмус қоғозига ўхшатдим — қандай муҳитга кирса, ўша муҳит руҳига қараб ўзгариши, аниқроғи, ўша муҳитдан ўзгариши узига сингдириб, акс эттириши керак. Муаллақ ҳеч нарса барқарор эмас. Ҳавода кўп пуфакни, денгиздаги ожиз қайиқчани тасаввур қилинг, уларнинг бошига қандай шўришлар тушади. Худди шундай, сўз ҳам, муносабат ҳам муаллақ ҳолда яшай олмайди. Хусусан,

Фақат охирида битта савол ҳаммасини чирпирақ қилиб юборади: эшитган-кўрганларимизнинг бугунги ҳаётимга қанчалик дахли бор, менга нима берди?

Матбуот — бугунги куннинг сўзи, овози, қиёфаси. Демак, эрта учун бугунги куннинг тарихи. Шундай экан, ҳар бир сатрда, ҳар бир нафасда бугунги кун ҳарорати уфуриб туриши керак эмасми? Ростки, кўллаб мақолалар, чиқишларни бундан ўн йил олдин эълон қилганда ҳам ҳеч нарса ютқазмасди; бундан ўн йил кейин эълон қилса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Шубҳасиз, ҳар бир унсурдан ижтимоий мазмун уқтиравериш тўғри эмас, бироқ замондошларимизнинг кайфияти, ўй-хаёллари бугун борлиги билан акс этиши керак бўлган шароитда асосий урғу пучмал мавзуларга қаратилса, бун тўғри деб бўлмайди. Нафсиларини айтганда, матбуот ижтимоий табиати билан фан ёки санъатдан устун туради, унинг вазифаси — айнан шу кунга хизмат қилиш. Демак, муаллақ мавзуларга зўр бериш, руҳу қўйиш қайсибир мавнода бугунги кун воқелигиндан ўзини четга олиб қочиб, кўриб-кўрмасликка олиш, аниги, бепарво бўлиш билан баробар. Қолаверса, бундай маҳсулот салмоғининг кўпайиб кетиши жамоатчиликнинг қизиқишига ҳам таъсир этади ва бошида таъкидланган "занжирсимон муносабат"ни сусайтиради.

Уз мустақиллигини дунёга дадил кўрсатаётган юртимизда улғу мақсадларга илҳомлантирадиган ёниқ сўзга зарурат бисёр. Зеро, сўз қандай ишга йўллаши билангина қимматлидир. Улкан ёзувчилардан бири таъкидлайдики, сўз — шамолга қараб учадиган ўйинчоқ пуфак эмас. У иш қуроли; у маълум даражадаги оғирликни кўтариб турмоғи лозим. Ўзгалар кайфиятини қанчалик ром этиши ва ўзгаришига қарабгина биз сўзнинг аҳамияти ва кучини баҳолашимиз мумкин. (В.Короленко).

Матбуотимиз аини кунларда жаҳон андозаларини кўзлаб дадил изланмоқда. Бугун журналистикамиз халқимизнинг бунёдкор табиатини, истиқлолга садоқатини, эртанги кунга ишончини ёрқин бўёқларда акс эттирмоқда. Албатта, ҳозирги янгилини, улғайиш даври кўнгилади ишонч уйғотадиган ва ёқимли хулосалар чиқаришга изн беради.

**Ҳақим САТТОРИЙ,**  
 журналист



"муҳим ишлар" менга маълум эди: зиёфатга таклиф қилишган жойга қийналмай етиб бориш, нари борса, дастурхонда тортилиши лозим бўлган таомлар сонини безовта қиларди. Агар биз юксак тўғулари маиший ташвишлар билан қориштириб юборсак, ёруғликдан, ёруғ гоғлардан маҳрум бўламиз. Ҳозир баҳкана майлларни енгиб, ўзини жиддий вазифаларга сафарбар этиш мавриди. Юртобимиз қайта-қайта такрорлайдиган "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган қақриқнинг қирраларидан бири ҳам шудир.

**ОТ АРАВАННИНГ ОРТИДАМИ, ОЛДИДА?**

Журналистикани ҳам медицина ёки космонавтика сингари тараққиёт заруратлари юзага келтирган ва у доимо изланишда, янгиликларда бўлмоғи лозим. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг мамлакат тараққиётидаги улушини, ўрнини темир йўл транспорти ёки почта хизматидан кам баҳоламаганлар. Ҳозирги замонни темир йўлларсиз тасаввур қилиб бўладими? Ёки почта алоқаси қанчалар тармоқ оғиб, турмуш тарзига нечоғлиқ сингиб кетди. Бу соҳаларнинг маълум давлат иқтисодиёти, сиёсатидаги ўрнини тасаввур қилган ҳолда Лев Толстой журналистикани улар билан тенг қўйган эди. XIX асрда тан олинган бу эътироф бугунга келиб янада улкан кўлам касб этгани ёлғон эмас. Негаки, биз тўла маънодаги ахборот асрида яшайпмиз: ўз вақтида тезкорлик билан тўғри етказилган хабарнинг қадри янги кашфиётдан кам баҳоланмайди. Нафсиларини айтганда, газета, телекўрсатув ёки радиоэшитиришни бозорга чиқариб харидор излаб юриш шарт эмас, агар у одамлар дилидаги гапни топа олса, уни ўзлари қидириб топишади.

Истиқлол йилларида ўзбек матбуоти янги руҳ, янги гоғлар билан бойиди. Мустақилликнинг халқимиз тақдирини ўйнаган буюк миссиясини кўрсатиб беришга бағишланган кўллаб мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар юзага келди. Айниқса, тарихий мавзуда, иқтисодий ислохотларнинг бориши хусусида кўп ва ҳўб ёзилди. Ана шундай ижодий жараёнда кўллаб ютуқлар қатори баъзи камчиликлар

ши билан унинг байроғига адолатга, ҳалолликка, тўғриликка хизмат қилиш ёзиб қўйилган, у ана шу эътиқодга содиқ қолди ва шу туфайли умуминсониятнинг маънавий бойликларидан, қадриятларидан бирига айланди.

Ёки хуфёна усуллардан бири — шов-шув (сенсация) чиқариш учун ҳам ғайритабиий усулда ёзиш мумкин. Масалан, газеталардан бири "Космосқа қора юлдуз пайдо бўлди" деб шов-шувли хабар тарқатади. Кейинги сонларида олимлар, фолбинлар, турли соҳа кишиларининг фикрини эълон қилиб, маълум муҳит яратади. Кўп гаплар айтилади, кўп муносабатлар ойдинлашади, энг муҳими, шу кунларда газета адади оғиб, ўқувчилари кўпаяди. Охирида баҳсни соддагина қилиб шундай яқунлаб қўяди: "Космос" футбол клубида Пеле фаолиятини бошлади". Бироқ газета фақат олди-қочди, шов-шувлар билан яшай олмайдигани, унинг вазифаси — турли воситалар билан тафаккурни озиклантиришдир.

Матбуотда баъзан юқоридаги ҳолларнинг кўзгудаги аксига ўхшаган манзараларга дуч келамиз. Мақсад кимнидир улғулаш бўлмаганидек, бошқа бировни ёмон отлик қилиш ҳам эмас.

Бир ҳамкасбимиз бўларди. Сиртдан қараганда ҳеч нуқсонни йўқ; ишхонада тартибли ходим, оилада намунали эр, меҳрибон ота. Ёзда ҳам амал қиладиган эътиқоди аниқ, бир оз художўй, боз устига улфатчиликларни ҳам тарқ этмайди. Ёзса, бир қаламқашча мақсадга эришади, газетачиликнинг паст-баландини яхши ўзлаштирган. Ҳатто шундай бўлдики, бир вилот микёсидаги қорхона фаолиятини ипидан-игнасигача ўрганиб, газетада танқидий мақола билан чиққанда анча нуфузли ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам бошида шошиб қолишди. Далиллар салмоқли, гувоҳлар аниқ, таҳлил жойида, мақола баҳор осмонидеги момақалдиروقдек акс-садо берди.

Ҳаммаси шу билан поёнига етган, бир қорхона фаолиятига ҳолисона баҳо берилиб, нуқсонлар очиб ташлангани рост бўлганда "О'кей" бўларди, бироқ пилла тагидан нимпйёла чиқиб, ишни расво қилди. Албатта, бу хулосага бирданга келингани йўқ, яна қанча қўшимча текширувлар бўлди, мавзуга қайтиб, ик-

касбимиз бундай қилигини яна 2-3 марта такрорлайди. Фақат бир томоннинг манфаатини кўзлаб танқидий мақола эълон қилади; у томон билан ҳисоблашмайди. Боз устига ўз хатосини тан олмайдиган, "мен айтганимдек бўлиши керак" деб туриб олади. Мен, ўзимча, "бу одам ўртада тура олмас экан" деган хулосага келдим. Ҳўш, "ўртада тура олиш", яъни адолат тарозисини тўғри қўйиш учун нима қилиш керак? Бу саволни "...қандай одам бўлиш керак?" тарзида қўйиш тўғрироқ бўларди. Ўзбекона жавоб берсак: "Зўр одам бўлиш керак", яъни икки томоннинг ҳам дўсти, ватандоши сифатида тенг тутиб, ўзини енгиб бўлса-да, ҳақиқатни ҳимоя қилиши керак. Бу юмуш оғирми? Оғир, жуда оғир!

Шундан кейин ўша ҳамкасбимнинг юриш-туришига зимдан разм сола бошладим. Рисоладагидек одам. Бир сафар лифтда дуч келиб қолдик, учинчи қаватга чиққунча тўрт марта Аллоҳни йўқлади. Кузатишларим давомида сездимки, унда ҳамма нарса бисёр экан, фақат кенг масъулаб, улкан қалб етишмас экан. Ҳамма нарсага, одамларга ҳам ўз манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашар, баҳо берад экан. Унга ёққан одам яхши, ёқмагани — ёмон! У ана шу темир қафасдан чиқиб кетолмас экан. Шунда маълум бир ҳақиқатни эсладим: катта журналистикани катта шахслар яратади.

Гап шахслар ҳақида кетар экан, бошқа касб эгаларини камситмаган ҳолда шу ўринда бир дўстимизнинг жайдари фалсафасини келтириб ўтшини лозим топдим. — У дейдики, бирор юртга ҳар қандай касб эгасини четдан таклиф қилиш мумкин, бироқ журналистни четдан келтириб бўлмайди. Уша халқ, миллат руҳини акс эттириш учун бу соҳанинг бўлажак вакили шу замонда улғайиши, илдиэ отиши лозим. Тугилганидан қулоғига шу юрт шовқинлари кирсин, кўз очиб шу жой манзараларини кўрсин, шу тупроқ аънъаналари, урф-одатлари руҳида улғайсин... Шундан кейин у миллий журналист, қаламқаш бўлади. Менинг ҳам шу гапга ишонгим келади.

**БУГУННИНГ СЎЗИ**

Баён қилмоқчи бўлган иккинчи мулоҳазамиз ҳам шу фикрларнинг давомига

матбуот сўзи мустаҳкам занжир билан ижтимоий заминга боғланган бўлиши керак.

Агар менинг тишим оғриётган бўлса бу фожеа эмас, у менинг шахсий дардим. Мабодо, кўпчиликнинг тиши оғриётган бўлса, бу ижтимоий муаммо. Мабодо, мен айнан шу муаммо ҳақида сўз айтишга жад қилдимми, демак, менинг сўзим барча тиши оғриётганларга аталган бўлиши лозим. Боз устига, мен тишим оғриётганини нари борса энг яқин одамимга айтишим мумкин, бун томга чиқиб жар солиш шарт эмас. Мабодо, тиш оғриғи ҳақида оммавий ёзилаётган ёки гапирилаётган экан, яъни матбуот мавзуга айланган экан, унда шу даражада чалинганлар ўзларига наф олишлари лозим.

Энди, қаранг. Ҳозир газеталарни варақласангиз чиройли иборалар билан ёзилган лавҳаларга, кўнги очар қатраларга кетма-кет дуч келасиз. Улар ўзларидек чиройли рукнларда берилади: "Ўқинг, қизиқ", "Ажабо", "Ҳордиқ лаҳзаларда". Ёки радио-телевидениеда ширали овоз, ёқимли афт-ангор билан шундай мавзулар ҳақида гап қилинадики, куни билан ўтириб тингласангиз ҳам тўймай-

Mustaqil gazeta  
**HURRIYAT**  
 Har chorshanba kuni chop etiladi

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

**Бош муҳаррир** Амирқул КАРИМОВ

**Тахрир ҳайъати:** Хуршид ДҮСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚҮЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-3.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

**Индекс:**  
 Яқко обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

**Навбатчи муҳаррир:** Топшириш вақти — 21.00  
**Собиржон ЁҚУБОВ** Топширилди — 19.00  
 Буюртма — Г - 3142

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Тахририятга юборилган мактуб ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Гурунг**

Бугунги кунда телевидение кириб бормаган хонадон қолмади ҳисоб. Шунинг баробарида кўрсатув ва эшиттиришларга турлича муносабат бўлиши табиий ҳол. Ёшлар телеканалли орқали эфирга узатилаётган "Ракурс" кўрсатувига ҳақида эса илиқ сўзлар қулоққа чалинмоқда. Кўрсатувнинг томошабинга манзур бўлишида, аввало, ижодкорлар изланиши ва маҳоратлари етакчи ўрин тутати. Демак, "Ракурс"чилар ишламоқда, изланмоқда.

— Ойбек ака, кўрсатувни нега "Ракурс" деб атагансиз, бошқа ўзбекчароқ ном топишнинг иложи бўлмади-ми?

— Аввало, бирор нарсани ном эмас, номни айнан ўша нарсанинг ўзи гўзал қилиши эҳти- молга яқинроқ эканини эсла- тиб кўйишим керак. Қолаверса, "Ракурс" ҳам сиз ўйлаган- чалик "ўзбекчадан йироқ" эмас. Бундан ташқари кўрса- тувнинг мазмун-мундарижаси унинг номида ҳам мужассам бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан бу ном кўрсатувга мосроқ. Энди бевосита "ра- курс" сўзининг маъносига келсак, кўрсатувларимиз эфирга чиқиши мобайнида унинг нималигини тушунтириб келдик. Кўрсатувимизни мунтазам кузатмайсиз чоғи, ракурснинг нималигини мендан сўраяпсиз. Тўғри, бошида нуқтаи назарни ифодалайдиган бир неча номларни кўйиб кўрдик. Аммо қандайдир сиёсийлашиб кетгандек туюлди. "Ракурс"ни танлаганимизнинг боиси ҳам шундан.

Кўрсатувнинг мазмун- мундарижасига тўхталсак, камина аввалбошдан жамоат- чиликка яхши таниш бўлган шахсларни янада яқинроқдан танитиш, унинг одамларга

унчалик маълум бўлмаган қирраларини очиб беришни ўйлаганман. Табиий савол туғилади: оддий одамлар

кўрсатувга жалб қилин- майдими? Энди, оддий инсонларни жалб қилиш томошабинга унчалик ҳам маъқул бўла- вермайди. Келажақда синаб кўриш ниятларим ҳам йўқ эмас бу усулни. Билма- дим, томоша- бин нима дейди.

— **Одоб- сизликка йўйманг-у, телевидениеда сизники каби интервью орқали яратиладиган кўрса- тувлар кам эмас. Газетчи- ликда бунинг осон йўлдан бориш дейишади...**

— Нимани назарда тутаётганингизни тушунгандай бўлдим. "Юзма-юз", "Кутилмаган меҳмон", "Давр-интервью"

каби кўрсатувларнинг "Ракурс- га турдош эканини таъкидла- япсиз чоғи. Тўғри, турдош, муқобил бўлса бордир. Аммо ҳар бир кўрсатувнинг мавзуи, ёндашувлари бўлакча. Тўғри, бир йўналишда икки суҳбат балки газетада бўлмас. Аммо телевидение... бу тўхтовсиз эфир! У ўзини бойитиш, ранг- баранг қилиш талабини кўяди. Бу ўринда кўрсатувлар бир- бирини услубий жиҳатдан, тасвир жиҳатидан такрорлаши табиий. Бироқ бу кўрсатувлар

дан 3-5 дақиқаси тасвир, яна фалон қисми таништи- рув дегандай. Бу қандайдир ўта қисқа вақтдай туюлади. — "Ракурс"нинг ракурслиги шундаки, суҳбатдош ўзини ўша қисқа вақт мобайнида кўрсата олиши, фикрини лўнда баён қила билиши талаб этилади. Кўрсатувимиз 300 мартага яқин эфир юзини кўрган бўлса, бу давр ичида унинг қиёфаси маълум даражада ўзгарди, деб айта оламан. Назаримда, суҳбатдошимнинг

Бу борада "Ракурс" анъана- вийликдан қочиш учун ҳаракат қиляптими? Уму- ман, бошловчи сифатида хорижлик ҳамкасбларимиз- нинг бу борадаги ютуқлари- дан воқифмисиз?

— Албатта. Бусиз бўлмади. Эътибор берган бўлсангиз, кўрсатувнинг ҳар сонидан нимадир кўшишга ҳаракат қиляпмиз. Аввало, оператор- ларимизга талабни каттароқ кўямиз. Қаҳрамоннинг ўзини тутати билиши, дунёқарашини ҳатто тасвирда ҳам ўз ифодаси- ни топа билиши лозим. Биз қаҳрамонимизни гўёки икки нуқтадан туриб тасвирга олаёт- гандек таассурот қолдиришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари кўрсатувга янги безаклар беришга ҳаракат қилинаётибди.

— **Ниятлардан гапиринг!..** — Ният кўп. Шоулар уюш- тирсамми, дейман. Ҳарқалай, бундан кейин шоулар томоша- бинга манзур бўлади. Қола- верса, телевидение учун оммавий концерт ва... шоулар фойдадан холи эмас. Томоша- бин, мухлис кўпаяди.


— **Ойбек ака, сўраганинг айби йўқ, "Ракурс"дан бошқа жиддийроқ машғулот билан ҳам бандмисиз?**

— Энди мақтанишга ўхшаб кетмасин-у, "Ракурс" фаоли- тимнинг бир бўлаги холос. Асосий ишим — яқинда ном- зодлик диссертациямни ҳимоя қиламан. Келажақда режис- сёрлик билан жиддий шуғул- ланиш режаларим ҳам йўқ эмас.

— **Омадингизни берсин!..**

Абдурахмон гаплашди.

# РАКУРС: ШАҲС ҚИЁФАСИ



камера қарши- сизда фикрини дадил айта олиш малакаси шаклланди. Албатта, кўрса- тувнинг илк сониданги чиққан қаҳра- мон билан сўнги бор эфирга чиққан суҳбатдошни солиштириб бўлмайди. Шу ўринда савол бериш тажри- бам ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозимга ўхшай- ди. Камина суҳбатдошимнинг кўп қиррали шахслигини, қизиқишларини инobatга олишга ҳаракат қиламан. Шундан келиб чиқиб савол беришга чоғланаман.

— **Телевидение ривож- лангани сайин кўрсатувлар- да замонавий дизайнга эътибор кучайиб бормоқда.**

бир-бирига тақлидан дунёга келади, деб ўйламайман. Айтишим керакки, "Ракурс"да қаҳрамонимнинг дунёқарашини, ўю-хаёлларини яқинроқдан очиб беришга ҳаракат қиляп- ман. Бунинг нечоғли муваффа- қиятини томошабин айтсин.

— **Кўрсатувингиз 20 дақиқа давом этади. Шун-**

Сайид	Тиниш белгиси	Лагерь	Умидсиз	<b>Тузувчи: Фабулжон МАДАЛОВ</b>	Спорт ўйини	Царкчи	Тайёр	Секин
Дарахт-зор	Чаққон	Тилак	Қабиҳ	Уялиш	Келишник қўшим-часи	Адабий тур	Дока	
Ийртқич қуш	Ички кечинма	Офарин	Коридор	Арпа	Дурадгор анжоми	Шеърин вазн	Славян халқи	Дога
Чуввара	Бол	Қарор	Барвақт	Тахмин	Одат	Славян халқи	Барвақт	Дога
Аҳоли	Тоқат	Парраиди номи	Безак					

**Дўстимиз Убайдулла Хўжаниёзов!**  
**Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга ижодий ютуқлар, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Илоҳим, фарзандларингиз бахтига омон бўлинг!**  
«Хуррият»чилар

**Ха-зил**

## КИМ ҚАНДАЙ ТОПАДИ?

Чайқовчи чайқаб, гадой алқаб, ҳисобчи шақиллатиб, дурадгор тақиллатиб, хушомадгўй ялаб, ўғрилар талаб, тандирчи оёғи билан, **ДАН** ходими таёғи билан, хайдовчи элтиб, лаганбардор елпиб, ўқитувчи бўр билан, овчилар тўр билан, санъаткор тори билан, аптекачи дори билан, фаррошлар тоғора билан, машшоқлар ногора билан, савдогар сотишдан, аскар отишдан, шоир шеърдан, қассоб теридан, темирчи темирдан, **нонвой** хамирдан, сартарош ялтиратиб, тиш шифокори қалтиратиб, кутубхоначи китобдан, шифокор бетобдан, даллол жавраб, таъмагир авраб, тиланчилар сўраб, прокурор бураб, киссавур кесиб, кўрқоқ писиб, тикувчи бичиб, фоҳиша кучиб, қизиқчи қулдириб, жаллод ўлдириб, чўпон боқиб, уста қоқиб, кончилар қазиб, журналист ёзиб

**ТОПАДИ.**  
Нурбек РАҲИМ  
Фаргона, Ёзёвон тумани